ДОН «КЕМИРУВЧИ»ЛАР

Уюшган гуруҳ таркибида иш кўрган «Андижондонмаҳсулотлари» ОАЖ ва унинг туманлардаги шахобчаларининг 61 нафар раҳбар ва ходимларига нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

2 бет

«МИКРОКРЕДИТБАНК» — ЁШ ОИЛАЛАР ҲАМКОРИ

Шу йилнинг дастлабки беш ойи мобайнида 40 га яқин ёш оилага 24 млн. 500 минг сўмлик микрокредитлар ажратилди ва микролизинг хизматлари кўрсатилди.

3 бет

МОЖАРОНИНГ МУДҲИШ ИНТИҲОСИ

Эшдавлатнинг ковоқ-тумшуғи солинган, янганинг боши эгик эди. «...Иффатини йўқотган экан». Келин бўлиб тушган қизга, унинг ота-онаси, ака-укаларига бундан баттарроқ юзқаролик йўқдай эди.

10 бет

ИЧКИЛИКБОЗЛИК — ЁМОН ОДАТ

...«Аввало, – дея таъкидлаган эди генерал Скобелев – бу ернинг эркаклариии чекиш ва ичишга ўргатиш зарур. Қолаверса, мусулмонлар яшайдиган марказларга Оврупо фоҳишаларини олиб келиш керак...».

12 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-yil 7-iyun, № 23 (544)

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

Республика Бош прокуратурасида

Кенгайтирилган ҳайъат мажлиси

Республика Бош прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда Бош прокуратура бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар иштирок этди.

Ҳайъат мажлисида Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш билан боғлиқ масала муҳокама қилинди.

Таъкидлаш керакки, Қарорнинг аҳамияти, мазмун ва моҳиятини кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш мақсадида жойларда 2176 та маъруза, суҳбат ва учрашувлар ўтказилди, оммавий ахборот воситаларида 492 марта чиқишлар қилинди.

Мазкур Қарор 44 мингдан ортиқ шахсга нисбатан татбиқ этилди. Шу жумладан, содир қилган жиноий ҳаракати учун жазога тортилиши лозим бўлган 2377 нафар аёллар ва 689 нафар вояга етмаганлар жазодан озод қилинди.

Мажлисда Қарор ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни асосида ноқонуний суд қарорларига протестлар келтириш ҳамда бу борадаги тергов амалиётини ўрганиб умумлаштириш якунлари муҳокама қилинди.

2001 йил 29 августда Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуслари билан Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Тергов ва судлов жараёнларида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мазкур Қонуннинг бош мақсади этиб белгиланди.

Бу борада ҳам муайян ишлар амалга оширилган. Жиноят ишларини қонунда белгиланган 3 ойдан ортиқ муддатда тергов қилиш ҳоллари, фуқароларни эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олиш кескин камайди, етказилган моддий зарарни тергов жараёнида ундиришнинг аҳамияти кучайди.

Бу, ўз навбатида, судларга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кўпроқ қўллаш имконини берди. Натижада жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг сони кескин камайиб, уларнинг шарт-шароитлари яхшиланди.

Шу билан бирга қонунни қўллашда мавжуд бўлган айрим хато ва камчиликлар танқид остига олиниб, прокурорларга уларни бартараф этиш бўйича кескин талаблар қўйилди.

Шунингдек, мажлисда Сирдарё, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари прокуратуралари томонидан вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги билан бирга қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги танқид қилинди.

Ўтказилган текширишларда аниқланган нуқсонлардан тўғри хулоса чиқариб, уларни бартараф этишнинг кечиктириб бўлмайдиган чораларини кўриш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Мажлис якунида Республика Бош прокурори Рашитжон Қодиров вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар олдига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва назоратни кучайтириш борасида қатъий талаблар қўйди.

Бош прокуратура ҳайъати прокуратура ходимларининг масъулиятини кучайтириш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ва ўз вазифасига муносиб бўлиши учун касбий тайёргарлиги ва билимини мунтазам ошириб бориши лозимлигини алоҳида таъкидлаб, кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

У.ЛАТИФОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори

Хусусийлаштириш давр талаби

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Давлат мулк қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари, тегишли идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият масъул раҳбарлари иштирокида идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Республика Президентининг 2006 йил 10 июлдаги «2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган хусусийлаштириш дастури ижроси юзасидан прокуратура органлари томонидан ўтказилган текшириш якунлари муҳокама қилинди.

Муҳокамада Давлат мулк қўмитаси органлари томонидан муайян ишлар қилинганлиги билан бирга соҳада бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги қайд этилди.

Хусусан, 2007 йил 1 май ҳолатига 2006 йил сотиш орқали давлат тасарруфидан чиқарилиши белгиланган 543 та объектдан 215 таси хусусийлаштирилмаган ва бирор-бир ҳудудда қарор ижроси тўлиқ таъминланмаган.

Бу кўрсаткич 2007 йил 1 январь ҳолатида Хоразм ва Сирдарё вилоятларида 37, Қорақалпоғистон Республикасида 41, Тошкент вилоятида 43, Андижонда 49, Қашқадарёда 58 фоизни ташкил қилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида қўмита тизимида қонунбузилишлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган 220 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланганлиги, хусусан, 25 нафар шахснинг интизомий ва 13 нафар шахснинг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал этилгани, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 29 та жиноят иши қўзғатилганлиги, судларга 81 млн. 253 минг сўмлик 63 та ариза киритилганлиги эътироф этилди.

Муҳокама якунида Давлат мулк қўмитасининг фаолиятини такомиллаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, соҳага оид қонунчиликни ислоҳ қилишга оид тавсиялар берилди.

Республика Бош прокуратураси матбуот хизмати

Хабар

КАСБИМ — ФАХРИМ

Таълим тизими жараёнида энг муҳим масалалардан бири назарий олинган билимларни амалиёт билан ўзаро боғлаб олиб боришдан иборат. Айниқса, ҳуқуқшунос мутахассислигини эгаллашда бунинг аҳамияти каттадир.

Шу мақсадда 2007 йил 28 май куни Тошкент юридик коллежи «Жиноят ҳуқуқи» кафедраси ўқитувчилари томонидан «Касбим — фахрим» мавзусида ўқув юрти ўқувчилари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида Учтепа туман прокурори ёрдамчиси Ф.Пўлатов, Ҳ.Сулаймонова номидаги Суд-экспертиза маркази хатшунослик бўлими эксперти Н.Илёсова, Учтепа туман ИИБ ХООБ Вояга етмаганлар билан ишлаш гуруҳи катта нозири майор А.Аксариева ва бошқалар иштирок этишди.

Улар ўқувчиларга ўз иш фаолияти, юклатилган вазифаларга бўлган масъулият ва иш жараёнида бўлиб ўтган қизиқ ҳолатлар тўғрисида гапириб бердилар. Шунингдек, иштирокчилар бўлажак ҳуқуқшуносларга келажакда билимга эга бўлиш билан бирга ҳаётий тажрибага эга бўлишни, инсонларга ҳурмат ва касбга садоқат билан ёндошиш кераклигини уқтириб ўтдилар. Улар талабаларга ёзги таътил даврида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда иш фаолиятини ўрганишлари мумкинлигини билдириб, ўқувчиларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.

А.ДЖАМИРЗАЕВ,
Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси

Фармон ва ижро

Ёшларга ғамхўрлик – порлоқ келажак кафолати

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ўзгалар кўмаги ҳамда қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлган фуқаролар ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш жамиятимиз ҳаётининг устувор тамойилларидан биридир. Кучли ижтимоий ҳимоя бозор иқтисодиётига ўтишнинг бешта тамойилларидан бири сифатида танланганлиги ҳам фикримизнинг яққол мисолидир.

Жорий йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати билан эса аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир бир қатор қонунлар ислоҳ қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу йўлда яна бир қадам бўлди. Бу Фармон ёш оилаларни нафақат ижтимоий ҳимоялашга, балки ёшларни ўзбек қадриятлари асосида ота-онага, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашга қаратилган муҳим ҳужжат ҳисобланди. Ушбу фармон асосида республикамиздаги мавжуд ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини олиб бориш ва мустақил ҳаёт бошлашига кўмаклашиш, уларнинг уй-жой шароитини яхшилаш мақсадида жамоат ва давлат ташкилотлари ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари зиммасига бир қатор муҳим вазифалар юклатилди.

Фарзандлари бор кам таъминланган ёш оилаларга ҳамда турмуш қуришга ёшларга никоҳдан ўтишда ва тўй маросимларини ўтказишда моддий ёрдам бериш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига асосий вазифа қилиб белгиланди. Бу турмуш қуриш учун тўй-ҳашам чиқимларини қоплашга моддий эҳтиёжи етмайдиган оилаларга жуда катта имконият яратади.

Бундан ташқари, Фармонда янги ҳаётга илк қадам қўйган ёш оилаларнинг мустақил тарзда оила қуришлари, жумладан, уй-жой сотиб олишлари ёки қуришлари, мебел ҳамда кўп йиллик фойдаланишга мўлжалланган уй жиҳозлари сотиб олишлари, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун тижорат банклари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Иқтисодиёт ва Молия вазирликларининг тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида кредит беришни таъминлаш мақсадида 2007 йил ҳисобига 50 млрд. сўм ажратиш белгиланди. Фармонда кредит беришни таъминлабгина қолмай, балки унинг қайтарилишини эркин таъминлашни кафолатлаш мақсадида ишлаётган ёш оила аъзоларининг иш ҳақи агар кредитни қайтариш учун тўланса шу тўланган суммадан даромад солиғи олинмайди.

(Давоми 3-бетда).

Жиззах шаҳар прокурори Турғунбой САГАТОВ билан суҳбат

ЖИНОЯТНИНГ ИЛДИЗИ

— Турғунбой ака, сиз узоқ йиллардан буён прокуратура тизимида ишлайсиз. Айтинг-чи, нима учун айрим ёшлар жиноят кўчасига кириб қолади? Шу ҳақда сизнинг фикрингиз?

— Тарбиянинг асоси — оила. Бу ҳақда улуғ алломаларимиз ҳам кўп бор айтишган. Ўғирлик қилиш, ўзгага озор бериш гуноҳ эканлиги уқтирилган оиланинг фарзанди ҳеч қачон бировнинг ҳақига хиёнат қилмайди. Аксинча, доим ичиб юрувчи, бекорчининг фарзанди камдан-кам ҳолда оқил ва доно бўлиб етишади. Сўзимнинг исботи учун бир мисол. Санжар Ўралов, Жавоҳир Исомов, Имран Ўраловлар ўзаро жиноий тил бириктириб, учта дўконга тунда ўғирликка тушишган ҳамда 800 минг сўмлик турли маҳсулотларни ўмариб кетишган. Ажабланарлиси, уларнинг оталари фарзандларининг қаерда, нима иш билан бандлигидан бехабар бўлишган. Ачинарлиси, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

— Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида шаҳар прокуратурасида қандай ишлар қилинмоқда?

— Юртимизда ёшларга доир сиёсат давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланганлиги сабабли бу соҳада бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори ҳам шулар жумласидандир. Қарорнинг ижроси юзасидан жорий йилда кўплаб ишлар амалга оширилди.

Эътироф этиш жоизки, шаҳарнинг 140 минг 105 нафар аҳолисидан 50 минг 728 нафарини вояга етмаганлар ташкил этади. Уларнинг 27 минг 162 нафари 27 та умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган бўлса, 1450 нафар бола 28 та мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланмоқда.

Шунингдек, шаҳар бўйича 1203 нафар ногирон бола мавжуд бўлиб, уларнинг 879 нафари таълим муассасаларида, 191 нафари махсус мактаб-интернатда ва 27 нафари якка тартибда уйда таълим олмоқда. Шаҳарда вояга етмаганлар ўртасида бирламчи ногиронлик 271 тани ташкил қилади. Уларнинг барчаси шаҳар прокуратураси назоратида.

Яқинда шаҳримиздаги 29-меҳрибонлик уйи қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Имкон даражасида ўз ёрдамимизни бердик. Давлат бюджети ҳисобидан вояга етмаган ногиронларнинг 15 нафари протез-ортопедия, 8 нафари эшитиш мосламалари, 7 нафари ногиронлик аравачаси билан таъминланди.

Хусусан, шаҳар прокуратураси томонидан вояга етмаган ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, саломатлигини янада мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий етук қилиб тарбиялаш, жамоат ишларига кенг жалб этилишини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ногирон, етим, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларга давлат, жамоат ташкилотларнинг ёрдами кучайтирилди.

Бозор ҳудудида, аҳоли гавжум жойларда ҳамда таълим муассасаларида бир неча маротаба рейдлар ўтказилиб, дарсга сабабсиз бормасдан юрган болалар ҳамда уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказилди.

Бироқ шунга қарамасдан вояга етмаганлар орасида кам бўлсада жиноят содир қилинмоқда. Жумладан, Б.Нарзиев, Д.Нарзиев ва Б.Азимовлар фуқаро М.Азимовани пичоқ билан қўрқитиб 45 минг сўм пулини ва 3 дона гиламини олиб кетган.

— Жиноятнинг илдизи кўп ҳолларда бекорчиликка бориб тақалади. Бу муаммонинг олдини олиш борасида ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликда қандай тадбирлар ишлаб чиқилмоқда?

— Вояга етмаганлар билан, хусусан, шаҳар ҳудудидаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўсмирлар билан мунтазам равишда учрашув, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Мазкур таълим муассасаларидаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан амалга оширилган ишлар мунтазам равишда махсус фотоальбомларда акс эттириб борилмоқда.

Шаҳар меҳнат бўлими билан ҳамкорликда вояга етмаган ёшларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳар ойда меҳнат ярмаркаси ўтказилиб бориляпти. Жиззах шаҳар меҳнат бўлимига 2007 йил 3 ойи мобайнида 9 нафар ёшлар иш сўраб мурожаат қилган бўлса, шундан 5 нафари ишга жойлаштирилди, 4 нафари касбий тайёргарликка йўналтирилди.

Ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш ва улар орасида қонунлар тарғиботини кучайтириш лозим. Чунки ҳуқуқий тарбия уларнинг онги, ҳис туйғулари ва хулқ-атворига таъсир кўрсатиш демакдир. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга жиддий эътибор берилмоқда.

Суҳбатдош: Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

ҚОНУН ОЛДИДА БАРЧА ТЕНГ

Департаментнинг Самарқанд вилоят бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида солиқ ва валюта соҳасидаги қонунбузилишларни аниқлаш ҳамда уларга қарши курашиш юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида 246 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилди. 190 та жиноят ва 56 та маъмурий ишлар қўзғатилиб, ноқонуний келтирилган 60,4 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар мусодара қилинди.

Асосий эътибор давлат солиқ сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, солиққа тортиш базасини кенгайтириш, солиқ тўловчиларни қамраб олиниши ва ҳисобининг тўлиқлигига қаратилиб, бюджетга 4,1 млрд. сўмлик қўшимча маблағлар ҳисобланди ва 1,2 млрд. сўми ундирилди.

Жумладан, Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган МЧЖ раҳбари Ш.Фахриева товар айланмаси бўйича солиқ идораларига ҳисобот топширмасдан 116,6 млн. сўмдан зиёд солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаган.

Яширин ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи субъектларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш борасида амалга оширилган тадбирлар натижасида эса 19 та яширин цехлар фош этилиб, улардан 6,4 млн. сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилди.

Жомбой туманида яшовчи Д.Неъматов ана шундай ўз уйида яширин цех ташкил қилиб, ноқонуний даромад олиб келган фуқаролардан бири бўлиб чиқди. Текширишда қўлбола усулда ароқ тайёрлаб келган бу «тадбиркор»ларнинг фаолиятига чек қўйилиб, ундан 1,9 млн. сўмлик алкоголли маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Нақд пулнинг банкдан ташқари ноқонуний айланиши иқтисодиётга зарар етказиб, пул инфляциясини кучайтиради. Вилоят ҳудудида шу турдаги қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида жами 19 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. 3,8 млрд. сўм миқдорида нақд пулнинг банкдан ташқари ноқонуний айланишига чек қўйилди, судлар томонидан 18,4 млрд. сўм молиявий жарима қўлланилди. Ана шундай ҳуқуқбузарликни Самарқанд туманида фаолият юритаётган МЧЖ раҳбари А.Тўраев содир этган. У 393,5 млн. сўмлик қурилиш материалларини нақд пулга сотиб, савдо пулларини банкка топширмаган. Шунингдек, Тайлоқ туманида фаолият юритаётган «Golden Rich Azia» МЧЖ раҳбари А.Бобоев 2006 йилда 128 млн. сўмлик маҳсулотлар сотилишидан тушган пулларни назорат касса машинасидан ўтказмай, банкка топширмаган.

Вилоят бошқармаси томонидан коррупция ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этишда ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилди. Натижада вилоят ҳудудидаги корхона ва ташкилотларда масъул лавозимларда ишлаётган 4 нафар ходимнинг таъмагирлик йўли билан пора олганлиги фош этилди.

Жумладан, республика товар хом-ашё биржасининг вилоят филиали брокерлари Обид Норбеков ва Абдуҳамид Раҳмановлар вилоятнинг чекка ҳудудларига етказиб бериш учун ажратилган, фондлар ҳисобидан савдога қўйилган ун маҳсулотларини вилоят марказига ва республика ташқарисига чиқариб юбориш учун харидорлардан таъмагирлик йўли билан пора олаётганда, «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг вилоят кино бўлими лицензия фаолияти назорати бўйича етакчи мутахассиси Турсунқул Жалилов ишга қабул қилиш ва лицензия бериш учун фуқаро Муродилло Сайфуллаевдан пора олаётган пайтда, Нуробод туманидаги марказий шифохона бўлими мудири Чинмирза Тўраев фуқаро Нормамат Мавлановни ногиронлик гуруҳига ўтказиш учун пул олаётган пайтда қўлга олинганлар.

Бундан ташқари, мансаб ваколатини суиистеъмол қилган 4 нафар банк, 1 нафар ҳокимият, 2 нафар бошқа идора ходимларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди.

Вилоятда валюта маблағларининг қонунга хилоф равишда четга чиқиб кетиши, олиб келиниши ва «қора бозор»да муомалага киритилиши билан боғлиқ 22 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, ноқонуний муомалага киритилган 7400 АҚШ доллари олиб қўйилди.

Республикамизга четдан турли ноқонуний йўллар билан товар-моддий бойликлар кириб келишининг олдини олиш, истеъмол бозорини сифатсиз маҳсулотлардан асраба-авайлаш юзасидан ўтказилаётган тезкор тадбирлар натижасида 55 млн. сўмлик товар-моддий бойликларининг муомалага киритилишига чек қўйилди. Мисол учун, Каттақўрғон шаҳрида яшовчи фуқаро Б.Болтаев теле-видео аппаратураларнинг ноқонуний савдоси билан шуғулланиб келган. Текширишда у хорижда ишлаб чиқарилган 8,4 млн. сўмлик товарларни сотаётган пайтда ушланган.

Том маънода, вилоят бошқармаси ва унинг жойлардаги туман, шаҳар бўлимлари томонидан вилоятимизда фаолият кўрсатаётган ҳалол тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кескин чора-тадбирлар белгиланиб, қонун олдида барчанинг тенглиги таъминланмоқда.

Исоқ ЖАМОЛОВ, СВОЖЖДЛКК департаментининг Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи

ДОН «КЕМИРУВЧИ»ЛАР

Ўтганлар ҳақида фақат яхши гаплар айтилади. Бироқ Пахтаобод дон қабул қилиш шахобчаси омборининг мудири Х.Жабборов (марҳум) ҳақида бундай деб бўлмайди. У ўзини бадном қилди. Раҳбарлари ва бошқа ҳамтовоқлари билан бирга акциядорлик жамияти мол-мулкини кемириб еяверди. У 2003 йил охирида хомчўт қилиб кўрса, камомад ҳаминқадар.

— Шуям муаммоми? — деди шахобча мудири Б.Исмоилов. — Каламуш еб кетди қилиб ҳисобдан чиқараверасиз!

— Айтишга осон. Тоғни кемириб тугатолмайди каламуш ҳам. Б.Исмоилов бевосита бошлиғи «Андижондонмаҳсулотлари» ОАЖнинг раиси ўринбосари (аввал раис эди), бош корхона раҳбари С.Сиддиқовга рўпара бўлди.

— Кемага тушганнинг жони бир. Тешикларни ямамасак, ҳаммамиз бирга чўкамиз.

— Ваҳима қилманг. Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг чораси бор. Тайинлайман, рисоладагидай расмийлаштириб қўйишади. Еган оғиз уялар. Йўқ дея олишмайди.

С.Сиддиқовнинг кўрсатмасига биноан Пахтаобод шахобчаси мансабдорлари Б.Исмоилов, Х.Жабборовлар аслида бош корхонага жўнатилмаган доннинг юк хатларини ўхшатиб ёзишди. Лаборатория мудири А.Жамбилов маҳсулот сифатига кафолат беришини «тасдиқлади». Соқчилар бошлиғи Т.Бобохонов, соқчилар У.Орзиқулов, Х.Султонов, З.Шокиров, И.Қосимов ўзлари навбатчи бўлган 2004 йилнинг 23, 27 январ, 10,11,12,13,14 феврал кунлари гўё дон юклаб, бош корхонага йўл олган юк машиналарини тегишли тартибда китобга қайд қилиб қўйишди.

Арвоҳ сингари кўзга кўринмас машиналар етти кун мобайнида ОАЖнинг бош корхонаси дарвозасидан «юк» билан кириб, «бўш» қайтиб чиқишди. Соқчилик бўлими бошлиғи А.Бозоров, соқчилар А.Аҳмедов, М.Ортиқов, М.Акбаров, Р.Юлдашев, бўлимнинг хат юритувчилари А.Ҳамроқулов Н.Юлдашев, А.Абдуқаҳҳоров, Т.Абдуқаҳҳаров навбатчилик кунлари ғалла юклаган машина карвонларининг кириб-чиққанига «шоҳид»ликларини «ҳужжатлаштиришди». Лаборатория мудири М.Набиев, лаборантлар О.Худойбердиев, К.Ефимова Пахтаобод шахобчасидан келтирилган донни гўё кўрикдан ўтказиб, сифатига «кафолат беришди». Тарозибон М.Мамарасулов «кўзга кўринмас» машиналарни юки билан «тортиб олди». Ғаллахона мудири О.Икромов ҳаводан иборат тонна-тонна «дон»ни тегишли тартибда омборга кирим қилди. Шу яхлит етти кун мобайнида омборга 7,4 млн. сўмлик 60,4 тонна уруғлик дон, 35,4 млн. сўмлик 365,5 тонна товар дон «тўкилган» эди. «Ғалла операцияси» янада ишончли тусга кириши учун аслида кўрсатилмаган транспорт «хизматлари» эвазига «Чинобод» фермер хўжалигининг ОАЖдан 110 минг сўм қарзидан воз кечилгани «ҳужжатлаштирилди», хусусий тадбиркорлар А.Исломовга 466,8 минг сўмлик, У.Ирматовга 533,5 минг сўмлик маҳсулотлар бериб юборилди.

Судга оид хатшунослик экспертизаси товар-транспорт ҳисоботларидаги «юкни топширдим» таъкидларининг остидаги имзолар сохталиги ва 12 нафар хайдовчилар номидан Пахтаобод дон шахобчасининг омборчиси Х.Жабборов қалбаки имзоларни ўхшатиб қўйганлиги ҳақида хулоса берди.

Тергов жараёнида ОАЖ бошқаруви раисининг ўринбосари С.Сиддиқов бошчилигидаги уюшган жиноий гуруҳнинг кирдикорлари бирин-кетин фош этилди. Ғаллахона омборининг мудири О.Икромов айбига иқрор бўлиб берган кўрсатмаси бўйича дон маҳсулотларини талон-тарож қилиш, жиноят ҳужжатларини сохталаштириш йўли билан яширишга оид яна бир қанча ҳолатлар аниқланди. Булоқбоши, Олтинкўл, Балиқчи, Избоскан дон қабул қилиш шахобчалари ва «Шаҳрихондон» МЧЖдан 2004-2005 йилларда ОАЖ ғаллахонасига аслида ташиб келтирилмаган дон маҳсулотлари ҳисоботлари, рўйхатга олиш китоблари ва лаборатория анализларидаги ёзув ва имзолар сохта бўлиб чиқди.

Булоқбоши, Избоскан, Балиқчи шахобчалари ва «Шаҳрихондон» МЧЖ мансабдорлари ҳудди Пахтаобод дон қабул қилиш шахобчасида бўлганидек иш тутиб, талон-тарож қилинган дон маҳсулотлари камомадини яшириш учун ҳужжатларни сохталаштиришган. Уюшган гуруҳ таркибида иш кўрган «Андижондонмаҳсулотлари» ОАЖ ва унинг юқорида кўрсатиб ўтилган туманлардаги шахобчаларининг 61 нафар раҳбар ва ходимларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Тергов жараёнида жиноий гуруҳ етказган салкам 1,2 млрд. сўмлик зарарнинг 161,6 млн. сўми айбдор шахслар томонидан тўланди. Шу билан бирга айбланувчилар ва уларнинг оила аъзолари тақдим этган, тегишли тартибда баҳоланган 863,5 млн. сўмлик мол-мулк ашёвий далил сифатида қайд этилди.

Кўрганимиздек, давлатга, акциядорларга тегишли мулкни «кемирувчи» зараркунандалар ўзларини ҳаммадан ақлли ҳисоблаб, изларини йўқотишга нечоғлик чиранишмасин, қилмишлари фош этилмай қолмади. «Андижондонмаҳсулотлари» ОАЖга ин қуриб олган жиноий гуруҳ аъзолари қилмишларига яраша жазога тортилди.

Ойбек ҲОШИМОВ, Андижон вилоят прокуратураси катта терговчиси

...Оила қуриш дегани фақат икки инсон ўртасидаги шахсий муносабат эмас, балки жамиятнинг асосини, айтиш мумкинки, энг муҳим бўғинини белгилайдиган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Соғлом оила вужудга келиши учун, энг аввало, жамият ва давлат қайғуриши, шунга замин яратиб бериши лозим. Шундагина мустаҳкам оила дунёга келади. Оила соғлом бўлса, жамият соғлом, мамлакат қудратли, юрт тинч-осойишта бўлади...

Ислом КАРИМОВ

Оила муқаддас даргоҳ

Оила — жамиятнинг мўъжазгина ажралмас бўлаги. Ёш оила соҳибларининг оёққа туриб, ўз аравасини ўзи тортиб кетиши ҳамиша ҳам осон кечмайди. Шунинг учун ота-оналар, қариндошлар ёш оилага ҳар томонлама кўмак бериши миллий анъана ҳисобланади. Шу йил 18 майда юртбошимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ёш оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ифодаси бўлди. Шубҳасиз юртимизнинг эртасини кўзлаб қабул қилинган ушбу Фармон кўплаб ёш оилаларнинг олдида турган муаммоларни ҳал қилишда қўл келади. Фармонда уларга уй-жой сотиб олишлари ва қуришлари учун ҳар томонлама кўмаклашиш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам бериш белгиланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, оилаларда келиб чиқадиган «қўйдичиқди» можароларнинг сабабларидан бири айнан ижтимоий, иқтисодий муаммолардир. Буни ўтган 2006 йил ва 2007 йилнинг 1-чораги мобайнида вилоятда никоҳни бекор қилиш ҳақидаги фуқаролик ишларининг судларда кўрилиши таҳлилидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Вилоятимизда фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органлари томонидан 2006 йилда 108 та, шу йилнинг 1-чорагида 33 та оила никоҳдан ажратилган. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судлари томонидан эса жами 2006 йилда 636 та, жорий йилнинг 3 ойида 183 та фуқаролик ишлари кўрилиб, 2006 йилда 460 таси, жорий йилнинг ўтган даврида эса 119 таси қаноатлантирилган.

Судларга никоҳни бекор қилиш ҳақида 2006 йилда 401 ҳолатда эр ва 235 ҳолатда хотин, жорий йилда эса 104 ҳолатда эркаклар ва 79 ҳолатда аёллар томонидан ариза билан мурожаат қилинган. Уларнинг барчасида фуқаролик ишлари бўйича вилоят судлари томонидан оилани сақлаб қолиш масаласида суҳбатлар ўтказилиб, эр-хотини яраштириш мақсадида белгиланган муҳлат берилаётган бўлса-да, баъзан қонун талабларига риоя этмаслик ҳолларига ҳам йўл қўйилган.

Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлари томонидан кўрилган 130 та ишнинг 7 тасида муддат берилмасдан никоҳдан ажратилган. Жавобгарнинг тарафларга ярашиш учун муддат берилмаганлиги, ишни унинг иштирокисиз кўрилганлиги, у судга умуман чақирилмаганлиги ҳақидаги кассация шикоятига асосан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган.

Ишлар кўрилишида эр-хотин муносабатлари, никоҳдан ажратиш учун қўйилаётган асослар, келишмовчиликнинг сабабларини ҳар томонлама аниқлаш чоралари тўлиқ кўрилмаяпти.

Никоҳдан ажратиш қаноатланмаган эр-хотинларнинг ёши 25 ёшдан 40 гача бўлиб, уларнинг бирталикдаги яшаш давомийлиги 21 фоиз ҳолатда 5 йилгача, 45 фоиз ҳолатда 5 йилдан 10 йилгача, 34 фоиз ҳолатда 10 йил ва ундан ортиқ даврни ташкил қилган.

Ажрашган эр-хотинлардан 83 фоизини ўрта, 17 фоизини олий маълумотлилар ташкил этган. Уларнинг 6 фоизида фарзанд бўлмаган.

Судлар томонидан болаларни ота ёки онанинг тарбиясида қолдириш масаласини муҳокама қилишда айрим ҳолларда Оила кодекси, Олий суднинг тегишли пленум қарорлари талаблари бузилган.

Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 2006 йил 23 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар А.Жабборовнинг жавобгар Л.Жабборовага нисбатан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилган. Ҳал қилув қарорига кўра, никоҳ бекор қилиниб, 1992 йил туғилган Ж.Жабборов даъвогарнинг тарбиясида қолдирилган.

Суд даъво талабларини қаноатлантиришда тарафлар 2000 йилдан буён бирга яшамасликлари, улар ўртасидаги эр-хотинлик муносабатлар барбод бўлганлиги, жавобгар боласини даъвогарга ташлаб кетганлиги тўғрисидаги хулосага келган.

Олий суд пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги қарорига кўра, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни эр-хотиннинг ҳар иккаласи иштирокида кўриш лозим. Эр-хотиндан бири келмаганда ишни кўришга фақат ФПКнинг 174-моддасида кўзда тутилган фавқулодда ҳоллардагина йўл қўйилиши мумкин. Афсуси, суд буни инобатга олмаган.

Суд жавобгарнинг қаерда яшашини аниқламаган, уни судга чақириш чораларини кўрмаган, ҳал қилув қарорида Л.Жабборова бошқа оила қурган, деган мутлақо асослантирилмаган важни келтирган.

Бундан ташқари тарафларнинг фарзанди Ж.Жабборов қаерда, ким билан яшаётганлиги, уни кимнинг тарбиясида қолиш истагидалиги тўғрисида суд умуман ҳеч қандай маълумотга эга бўлмай туриб, барвақт хулосага келган.

Қайд этилган пленум қарорининг 19-бандига мувофиқ, «оиладаги вақтинчалик келишмовчилик тасодифий сабабларга кўра, эр-хотин ўртасида келиб чиққан низолар, шунингдек, жиддий асосларга эга бўлмаган сабабларга кўра, эр-хотиндан бирининг ёхуд ҳар иккаласининг никоҳ муносабатини давом эттиришини хоҳламаслиги никоҳни бекор қилиш учун етарли асос бўлолмайди» деган кўрсатмасини тўлиқ бажармай, даъвогарнинг турмуш ўртоғи билан характерлари тўғри келмаганлигини асос қилиб никоҳни бекор қилган.

Юртимизда тўйлар мавсуми бошланди. Қайси маҳаллага қадам ранжида қилманг тўй устидан чиқасиз. Карнай-сурнай наволари авжида.

Ҳарир либосдаги келин-куёвни кўриб, ҳаммани шу кунларга етказсин, ёшлар бахтли бўлсин дея дуо қиласиз. Бинобарин, бу бўлажак оилага таъмал тоши қўйилаётган қувончли дамлардир. Уларнинг келгусида арзимас ҳаёт қийинчиликларини рўкач қилиб ажраб кетмаслиги, аввало ўзларига, кейин ён-атрофидаги биз катталаларга боғлиқ. Ёш оилаларнинг фаровон яшаши учун қўлимиздан келганча ёрдам берайлик. Ўз Юртбошиси фарзандларига ғамхўр бўлган мамлакатда эса ёш оила бахтли яшашга ҳақли.

С.ШЕРНАЗАРОВ,
Жиззах вилояти прокурорининг ўринбосари

Ёшларга ғамхўрлик — порлоқ келажак кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, алоҳида яшашларини таъминлаш ва бу борада уларга шарт-шароит яратиш мақсадида 2007 йилнинг 1 сентябрига қадар давлат тасарруфида бўлган вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўпхонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилалар яшаши учун инвентаризация қилиниши, 2007-2008 йиллар давомида вилоятлар марказидаги, Нукус ва Тошкент шаҳридаги фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўпхонадонли уйларда ижарага бериладиган квартираларнинг ташкил этилиши ва уларнинг имтиёзли нархларда ижарага берилиши ёш оилалар олдида турган энг катта муаммонинг ҳал қилиниши демакдир.

Фармонда 30 ёшгача бўлган, биринчи марта никоҳдан ўтаётган ёшлар назарда тутилган бўлиб, уларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш ҳамда уй-хўжалигини йўлга қўйиш учун ҳам кредитлар ажратилиши уларнинг нафақат яшаш учун керакли молмулк билан таъминланишларини кафолатлайди, балки келгусида иш билан банд бўлишларини кафолатлаб, кенг имкониятлар яратади.

Ушбу фармонда белгиланган имтиёзларнинг амалга оширилиши ёшларда ватанга муҳаббат уйғотишга, меҳнатга бўлган муносабатининг ўзгаришига, ёш оилада туғилажак фарзандларнинг камкўстсиз ўсишига хизмат қилади. Имтиёзлар нафақат янги қурилаётган оилалар учун, балки бу ёшларни мустақил ҳаётга кузатишни мажбурият деб билган ота-оналар учун ҳам юксак ғамхўрликдир.

Ёш оилаларнинг мустақиллигини ва мустаҳкамлигини таъминлаш албатта келажагимиз пойдеворини мустаҳкамлаш демакдир.

Матлуба АМИНЖОНОВА,
Республика Бош прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси

«Микрокредитбанк» — ёш оилалар ҳамкори

Оила ҳар бир давлатнинг илк пойдеворидир. Мустақилликка эришганимиздан буён ҳар бир оила давлатимизнинг эътиборида бўлиб келмоқда. Аввало шуни айтиш лозимки, «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ёш тадбиркорлар, оила бошлиқлари билан ҳамкорлик қилишни ўзининг муҳим вазифаларидан бири деб билди.

Йигирма саккиз ёшли тадбиркор Шерзод Раҳматов ўрта мактабни тугаллаши билан дурадгорлик ҳунарини эгаллади. Кейинроқ у замонавий мебеллар ясаш билан қизиқиб, бу ишда ўз имкониятларини синаб кўрди. Муаммо махсус ускуналар ва станоклар заруратига келиб тақалганидан кейин Шерзод «Микрокредитбанк»нинг Узун туман филиалига мурожаат этди. Микросармоя эвазига олинган янги асбоб-ускуналар ва ёғоч материаллари ишларнинг жадал тарзда юришиб кетишига туртки бўлди. Ш.Раҳматов олган кредитини деярли қайтарди. Эндиликда янги микрокредитлар олиб, иш жараёнини янги цехга кўчиришни мўлжалламоқда.

Узун туманида ёш оилаларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишларига катта имконият яратиб берилган. Бу ҳақда «Микрокредитбанк»нинг Узун тумани филиали раҳбари Шокир Ҳакимов шундай дейди:

— Ҳозирги ёшлар тадбиркорликка бошқача нуқтаи назардан ёндошадилар. Билим ва маҳорат билан амалга оширилган ишлар яхши самара бераяпти. Шу йилнинг дастлабки беш ойи мобайнида 40 га яқин ёш оилага 24 млн. 500 минг сўмлик микрокредитлар ажратилди ва микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони келажагимиз учун катта ғамхўрликнинг амалий ифодаси бўлиб, бу тадбир «Микрокредитбанк» зиммасига катта вазифа юклайди. Шу боис, банк юртбошимизнинг ушбу Фармони ижросини таъминлаш бўйича 2007 йил охиригача амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Бу тадбирга кўра банкнинг консалтинг хизматлари, семинарлари эндиликда кўпроқ ёшлар даврасига кўчирилади, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш учун ёш оилаларга бериладиган имтиёзли микрокредитлар кўлами кенгаяди. Жумладан, ёш оилаларнинг маҳалла гузари қошида ишлаб чиқариш цехлари, қандолатчилик, гилам тўқиш, новвойхоналар ташкил этишлари, оиланинг ишончли фаровонлик манбаи ҳисобланган соғин сигир сотиб олишлари учун имтиёзли микросармоялар ажратилади. Банк ёш оилаларнинг уй-жой сотиб олишлари, тўй маросимлари ҳамда саёҳатлари ва ҳатто биринчи фарзанд эҳтиёжлари учун ҳам микрокредитлар ажратишни белгилади. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни амалга ошириш истагида бўлган ҳам таъминланган оилали ёш аёлларга имтиёзли микрокредитлар ажратиш кўзда тутилмоқда.

Шуни айтиш керакки, бошланғич сармояни шакллантириш учун хусусий тадбиркорлар ва турли кичик бизнес субъектлари бир ярим йилга энг кам ойлик иш ҳақининг 50, 100 ва 200 баробари миқдорида микросармоялар олишлари белгиланган. Улар имтиёзли бўлиб, йиллига атиги 5 фоиз билан берилади. Корхоналар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баробари миқдоридаги микрокредитни ҳам олишлари мумкин. Айниқса, микролизинг хизмати борасидаги имкониятлар кенгроқ. Кичик бизнес субъектларига энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 баравари миқдорида микролизинг хизматлари кўрсатиш мумкин.

Хуллас, бугун мамлакатимизда ҳар бир тадбиркор билан, ҳар бир хонадон билан ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёр турган, уларни яратувчилик ишларига чорлайдиган янги типдаги микросармоялаш ташкилоти — «Микрокредитбанк» ўз фаолияти кўламини кенгайтирмоқда. Банкнинг шу кунлардаги фаолиятига назар ташлар экансиз, ана шундай ишончли қозонишу учун астойдил ҳаракат қилаётганининг гувоҳи бўласиз.

Рашид РАУПОВ,
«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки матбуот хизмати бош мутахассиси
Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
журналист

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: ИСЛОҲОТЛАР, ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР

Нурмуҳаммад Қодиров Бағдод туманининг Чули Юнус қишлоғида яшайди. У бободеҳқон фарзанди, суяги меҳнатда қотган. Шунинг учун бўлса керак, Нурмуҳаммад ака бундан 4 йил аввал фермерликни ихтиёр этиб, туман ҳокимлигига мурожаат қилди.

Ишлайман, имкониятларимни юзага чиқараман ва шу орқали ҳам оиламни боқаман, ҳам халқимга наф келтираман деган инсонга ким ҳам йўқ дерди? Шу боис туман ҳокимининг 2003 йил 18 декабрдаги 237-сонли қарори билан Н.Қодировнинг «Қодиров Абдусалом» фермер хўжалиги ташкил қилиниб, унга 15 гектар ер 50 йил муддатга ижарага берилди.

Шундан сўнг фермер енг шимариб ишга киришди. Оила аъзолари ва оға-иниларини ҳам ёнига олди.

Фермернинг ерлари чўлда жойлашганди. Чўл шароитида эса ўз-ўзидан ҳосил битмайди. Хўжалик аъзолари тинимсиз меҳнатлари билан бу қийинчиликларни енгиб ўтишди. Қилинган меҳнат эса секин-аста ўз самарасини бериб, шартномавий режалар ортиги билан бажарила борди. Орадан бир йил ўтиб, унга яна 20 гектар қўшимча ер ажратиб берилди. Агар биргина 2005 йилни олсак, фермер хўжалиги пахта тайёрлаш режасини 102,3 фоизга уддалади. Бошоқли дон етиштириш шартномавий режаси ҳам бундан кам бўлгани йўқ.

Деҳқончилик тарихидан яхши маълумки, йил ҳар доим бир хил келавермайди. Бир йил ҳосил баракали бўлса, бошқа сафар сал тортилиб қолади. Ўтган 2006 йил «Қодиров Абдусалом» фермер хўжалиги учун аввалги икки йилга нисбатан қийин кечди. Галла етиштириш бўйича режалар бажарилди-ю, лекин пахтадан намнинг тез кўтарилиши натижасида кўпгина ғўза ниҳоллари сарғайиб, қурий бошлагани, бунда тупроқ таркибидаги хлор ва сульфат ионлари активлашиб, экинга салбий таъсир қилганини тасдиқлашди ва зудлик билан зararланган ниҳолларнинг оласини экиш, азотли ва фосфорли ўғит солиб, ғўзани озиқлантириш ҳақида кўрсатма беришди. Бу хусусда тегишли далолатнома ҳам тузишди.

Н.Қодиров агротехник тадбирларни мутахассислар айтганидек қилиб бажарди. Аммо кузга борганда табиий офатнинг таъсири барибир билинди. 12 октябрь куни уни туман ҳокимлигига чақиртиришди. Ҳокимлик вакили фермерни мажбурлаб, туман ҳокими Тўлқинжон Эгамбердиев номига қуйидаги аризани ёздириб олди: «Аризамнинг мазмуни шундан иборатки, 2006 йил учун пахта шартномаси 60 тоннага тузилган. Шартномани 20 октябрга қадар бажараман. Бажармасам, шартномани бекор қилишга розиман. Фермер хўжалиги раҳбари Қодиров Н. Имзо. 12.10.2006 йил».

— Туманга текшириш келган. Аризангизни режани бажармаганлар қаторида унга шунчаки кўрсатамиз, холос. Кейин ёқиб юборамиз, — деди ҳокимлик вакили изоҳ бериб.

Аризанинг мазмунига эътибор қилинганида, унда қайси шартномани бекор қилиш назарда тутилганини билиб бўлмайди. Бироқ туман ҳокими ўзининг 1 ноябрь кунги 458-сонли қарори билан «Қодиров Абдусалом» фермер хўжалиги билан тузилган ер ижара шартномасини бекор қилди.

«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддаси ҳамда томонлар ўртасида имзоланган ер ижара шартномасининг VI.17-бандида фермер хўжалигини тугатиш асослари белгиланган бўлиб, улардан биринчиси ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечишдир. Туман ҳокимининг юқоридаги қарорига ана шу сабаб ва фермер хўжалиги раҳбарининг биз айнан келтирган аризаси асос қилиб олинди. Келинг, фикримизни ойдинлаштириш учун ҳоким қарорининг I-бандини келтирамиз: «Қодиров Абдусалом» номли пахта-дон етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғининг туман ҳокими номига фермер хўжалигига ижарага берилган ердан ихтиёрий воз кечиш ҳақида 12.10.2006 йилда ёзган аризасига асосан, Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунининг 32-моддаси 2-сўз бошига амал қилган ҳолда қарор қиламан: 1. «Қодиров Абдусалом» номли фермер хўжалиги бошлиғининг ўзига ижарага берилган ер майдонини туман ер заҳирасига қайтариш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин».

Табиийки, қарорни ўқиб, Нурмуҳаммад ака тутоқиб кетди. Негаки унга аризани мажбурлаб ва алдаб ёздиришган. Қолаверса, у ерни заҳирага қайтариш тўғрисида ҳеч қандай илтимос қилмаган. Лекин у бу вазиятда босиқлик билан иш тутди. Гарчи ҳокимнинг қарори билан ўзининг фермер хўжалиги тугатилган бўлса-да, 2007 йил ҳосили учун экилган буғдой парваришини сусайтирмайди. Шу билан бирга жорий йил-оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги; кодекснинг 12-моддасида бўлса, давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги қайд этилган.

МАЖБУРАН ЁЗДИРИЛГАН АРИЗА

У НОҚОНУНИЙ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШГА АСОС БЎЛДИ

Қонунда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганда фермер хўжалиги тугатилиши ва шартнома бекор қилиниши белгиланган. Лекин юқорида таъкидлаганимиздек, Н.Қодировнинг аризасида айнан қайси шартнома назарда тутилгани маълум эмас. Бу эса ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганлигини англатмайди ва бунга таяниб, ижара шартномасини бекор қилиб бўлмайди. Энг асосийси, Фуқаролик кодексининг 123-моддасида алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек, фуқаро вилоят хўжалик суди ана шу асосларни инобатга олиб, Бағдод туман ҳокимининг юқоридаги 458-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топди.

Вилоят хўжалик суди ана шу асосларни инобатга олиб, Бағдод туман ҳокимининг юқоридаги 458-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топди.

Фермернинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Аммо икки ўртада ортиқча дилхиралик, асаббузарлик юзага келиб, фермернинг овора-ю сарсон бўлиб, қимматли вақтини йўқотгани қолди.

Эркинжон БОТИРОВ,
Фарғона вилоят прокурорининг ёрдамчиси
Алишер МАҚСУДОВ,
Фарғона вилоят хўжалик судининг судьяси

Деҳқон ерни боқса, ер элни боқади

Бугун мамлакатимизнинг қай бир нуктасига борманг, қишлоқ хўжалиги ишлари авж олиб кетганини кўриш мумкин. Ғўзага ишлов бериш, ғалла ўрим йиғими деймизми, хуллас, бободеҳқоннинг бош қашишига вақти йўқ.

Албатта ана шундай пайтда деҳқону фермерлар бир нарсани унутмасликлари лозим. Яъни ижобий ёки салбий бўлганидан қатъи назар ўтган йилги натижалардан хулоса чиқариб иш юритсалар, фойдадан холи бўлмайди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Поп туман судида тумандаги «Жамшид — Наврўз» ҳамда Косонсой туманидаги «Машҳура Султон» фермер хўжаликлари раҳбарларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши кўриб чиқилди. Қуйида ўша фермерларнинг кирдикорлари ҳақида фикр юритмоқчимизки, бу ерни олиб, уни алдаётган, талон-тарож қилаётган ёки шу ишни мўлжаллаётган бошқа фермерларга сабоқ бўлса ажаб эмас.

«Жамшид — Наврўз» фермер хўжалиги собиқ «Найман» ширкат хўжалиги ҳудудида ташкил этилган. Бу ерлар Сирдарёнинг сўл соҳилига жойлашган бўлиб, деҳқончилик қилиш анча мушкул, ҳосилдорлиги ҳам паст. Пахта нари борса 10-12 центнердан ҳосил беради. Бундай майдонларда деҳқончилик қилиш эса кишидан метин ирода, катта куч-ғайрат талаб қилади. Фермер хўжалиги раҳбари Аъзамжон Тошбоев ерни олаётганда ана шу қийинчиликларни енгиб ўтишга бел боғлаб, шунинг кетидан 7 нафар фарзандини ўқитиб, уйли-жойли қилишни дилига тукканди. Аммо нимадир бўлди-ю, ўтган 2006 йилда Аъзамжон ака зиммасидаги масъулиятни бутунлай унутди. Аниқроғи, фермер 2006 йилнинг 11 февралида 75 гектар ердан 10,1 центнердан жами 76 тонна пахта хом ашёси ва уруғлик чигит етказиб бериш бўйича «Поп пахта толаси» АЖ билан 463-сонли контрактация шартномасини имзолаганди. Бироқ, у белгиланган ернинг бир гектарига ҳам чигит қадамади, шунча майдон бўш қолиб кетди. Натижада давлат манфаатларига 19 млн. сўм моддий зарар етди. Ваҳоланки, унга жамият томонидан 3544 кг. 5 млн. 440 минг сўмлик уруғлик чигит, «Қишлоқхўжаликкимё» АЖнинг Поп туман филиалидан 2 млн. 910 минг сўмлик минерал ўғит, «Тўрақўрғон нефть базаси» унитар корхонасининг Чуст филиали томонидан 2500 кг. 910 минг 400 сўмлик ёнилғи маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилганди.

Буни қарангки, А.Тошбоевнинг бўйнида «Пахта банк»нинг Поп туман бўлимидан 2005-2006 йилларда олган кредити ва фоизлари ҳисобидан 5 млн. 686 минг 400 сўм, туман «Машина- трактор парки» АЖдан 2004-2006 йиллар мобайнида кўрсатилган техника хизматлари бўйича 1 млн. 151 минг 800 сўм, собиқ «Найман» ширкат хўжалигининг қарздорлиги ҳисобидан ўз зиммасига ўтказилган ва «Қишлоқхўжаликкимё» АЖ туман филиалига тўланиши лозим бўлган 5 млн. 355 минг 234 сўм миқдорида қарзлари ҳам бор экан. Бошқача айтганда фермер ўз гарданига 22 млн. 577 минг 745 сўм боқиманда қарзни ҳам илиб олган.

Косонсой туманидаги «Машҳура Султон» фермер хўжалиги раҳбари Акбархон Эшонов ҳам бундан беш йил муқаддам фирибгарлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва мансаб сохтакорлиги жиноятларини содир этиб, судланган ҳамда Президентимизнинг «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига асосан жазодан озод қилинганди. Аммо Акбархоннинг кўзи очилмаган экан. Йўқса, бугун яна мансаб ваколатини суиистеъмол қилмаган бўларди. Гап шундаки, А.Эшонов ўтган йилнинг 6 февралида «Косонсой пахта толаси» АЖ билан тузилган 346-сонли контрактация шартномасига мувофиқ 65,9 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22,3 центнердан 147,2 тонна пахта хом ашёсини корхонага етказиб бериши керак эди. Бу ҳам етмагандек, Акбархон «Тўрақўрғон нефть базаси» унитар корхонасидан 8 млн. 237 минг 900 сўмлик ёнилғи мойлаш маҳсулотлари, «Қишлоқхўжаликкимё» АЖ Косонсой туман филиалидан 14 млн. 450 минг сўмлик минерал ўғитни олади-ю, кўп қисмини сотиб, ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборади.

Шунингдек, унинг хўжалигига Косонсой «Машина-трактор парки» АЖ томонидан 1 млн. 456 минг 472 сўмлик техника хизмати кўрсатилса-да, Акбархон ғўза парваришини ўз ҳолига ташлаб қўяди. Оқибатда кузга келиб, ҳар гектар ердан бор-йўғи 12,8 центнердан 84,8 тонна пахта теріб олади, холос. Бу шартномавий режанинг 58,5 фоизи демакдир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 382-моддаси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддаси ҳамда фермер хўжаликлари билан тузилган ер ижара шартномасининг VI.17-бандида ердан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда, шу жумладан, давлат эҳтиёжлари учун контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинлари экилганда ер участкасини ижарага бериш шартномаси бекор қилиниши белгиланади. Шунинг учун вилоят хўжалик судининг қарорига биноан «Жамшид Наврўз» фермер хўжалиги билан Поп туман ҳокимлиги ўртасида имзоланган ер участкасини узоқ муддатга ижарага бериш шартномаси бекор қилинди.

Айни пайтда фермер хўжалиги юритиш мақсадида ерни олиш қурашиш учун мард бўлиб майдонга тушгандек гап. Шундай экан, бу майдондан фақат ғалаба, ёруғ юз билан чиқиб кетиш керак. Бунинг учун эса ернинг «тили»ни топиб, уни сийлаш, ҳаққоний муносабатда бўлиш зарур. Шунда у ўз саховатини аямай, нафақат деҳқонни, балки бутун элни боқади.

Бахромжон БОТИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг раиси

Ҳафталик теледастурлар

Сиқиқ TV

2007-yil 7-iyun, № 23 (544)

Моҳият

Кимки ўзга тилларни билмаса, ўз тилини ҳам яхши тушунмайди.

И.ГЁТЕ

TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури

11-iyun, Dushanba

07.00, 18.00 «Премьера» (узб)
07.30, 09.45, 14.00, 16.30, 17.40, 18.30, 21.00 Узбек наволари
08.00, 19.00 «Премьера» (рус)
08.30 «Сайилгох»
08.45, 12.45, 15.45, 20.50 Мировые хиты
11.00 Х/ф «Эрагон»
13.30 «Миссия неповторима»
15.00 Теленяня
17.00 «Навбат» Рашид Холиков билан
19.30 Сериал «ВА-БАНК» 9-серия
22.00 Комедия «Реальное девчонки»
23.45 Миксер

12-iyun, Seshanba

07.00, 10.50, 13. 30, 14.30, 16.15, 17.45, 18.10, 20.35, 21.30 Узбек наволари
08.00, 18.00 Марказ NEWS (узб)
08.10, 12.45, 14.10, 15.45 Мировые хиты
09.00, 19.00 Сериал «Ва-банк» 9-10 серия
10.20 «Премьера» (узб)
11.00 Х/ф «Реальные девчонки»
13.00 «Юлдузли пайшанба»
14.00 Марказ NEWS (рус)
15.00 Теленяня
17.00 «Топ-20»
20.20 «Сайилгох»
21.00 «Великолепная семёрка»
22.00 Х/ф «Бумер. Фильм второй»
00.15 Миксер

13-iyun, Chorshanba

07.00, 08.50, 10.30, 13.15, 14.10, 17.00, 18.10, 20.20, 21.30 Узбек наволари
07.30 «Премьера» (рус)
08.00, 18.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 «Навбат» Рашид Холиков билан
09.00 Сериал «Ва-банк» 10-серия
10.20 Мировые хиты
11.00 Х/ф «Бумер.Фильм второй»
14.00 Марказ NEWS (узб)
15.00 Теленяня
15.45, 16.15 Мировые хиты
16.00 «Сайилгох»
19.00 Сериал «Ва-банк» 11-серия
21.00 «Миссия неповторима»
22.00 Киноколлекция «Маленькая мисс Счастье»
00.00 Миксер

14-iyun, Payshanba

07.00, 08.40, 10.20, 13.00, 14.30, 16.00 Узбек наволари
08.00, 18.00 Марказ NEWS (узб)
08.10 «Сайилгох»
08.25, 14.10, 15.45, 17.30, 18.10 Мировые хиты
09.00 Сериал «Ва-банк» 11-серия
11.00 Х/ф «Маленькая мисс Счастье»
14.00 Марказ NEWS (рус)
15.00 Теленяня
17.00 «Великолепная семёрка»
19.00 Сериал «Ва-банк» 12-серия
20.20 «Спецрепортаж»
21.00 «Юлдузли пайшанба»
21.30 «Премьера» (узб)
22.00 «Помни обо мне»
00.20 Миксер

15-iyun, Juma

07.00, 10.20, 13.20, 14.30, 16.30, 18.10, 20.00 Узбек наволари
08.00, 18.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 «Топ-20»
09.00 Сериал «Ва-банк»12-серия
11.00 Х/ф «Помни обо мне»
14.00 Марказ NEWS (узб)
14.10, 15.45, 18.45, 19.30 Мировые хиты
15.00 Теленяня
18.30 «Сайилгох»
19.00 «Кулинар фантазиялари»
21.00 «Кинокурьер»
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 Х/ф «Три икса»
00.20 Миксер

16-iyun, Shanba

07.00, 08.10, 10.15, 13.20, 17.40, 18.10, 20.00, 21.40 Узбек наволари
08.00, 18.00 Марказ NEWS (узб)
09.00, 14.30, 16.20, 19.00 Мировые хиты
09.30 «Кинокурьер»
10.00 «Сайилгох»
11.00 Х/ф «Три икса»
14.00 «Премьера» (узб)
15.00 Теленяня
17.00 «Спецрепортаж»
21.00 «Навбат Рашид Холиков билан»
22.00 Б/ф «Дўстимнинг тўйи» (Хинд)

17-iyun, Yakshanba

07.00, 09.30, 14.30, 16.20, 17.00, 18.10, 19.30 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10, 18.45, 21.45 Мировые хиты
11.00 Б/ф «Дўстимнинг тўйи» (Хинд)
15.00 Теленяня
16.30 «Премьера» (рус)
17.30 «Юлдузли пайшанба»
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.30 «Сайилгох»
21.00 «Топ-20»
22.00 Х/ф «Держи ритм»
00.15 Миксер

КАМАЛАК канали ҳафталик дастури

11-iyun, Dushanba

12.00, 13.55 «Клип-минутка»
12.20 «Ералаш»
12.40 М/ф «Возвращение кота»
14.15 Х/ф «Волшебная лампа Аладдина»
15.35 М/ф
15.55, 19.00, 21.20 «Музыкальная дорожка»
16.35 Х/ф «Несравненный»
19.40 Х/ф «Провинция тигра»
22.00 Х/ф «Телефонная будка»

12-iyun, Seshanba

12.00, 13.55 «Клип-минутка»
12.20 «Ералаш»
12.40 М/ф «Астерикс и Викинги»
14.15 Х/ф «Человек с бульвара Капуцинов»
15.50 М/ф
16.10, 18.20, 20.40 «Музыкальная дорожка»
16.50 Х/ф «Заводилы»
19.00 Х/ф «Рыба-меч»
21.20 Х/ф «Франкенштейн»

13-iyun, Chorshanba

12.00, 14.05 «Клип-минутка»
12.20 «Ералаш»
12.40 М/ф «Роботы»
14.25 Х/ф «Иван Васильевич меняет профессию»
15.55 М/ф
16.15, 18.35, 21.10 «Музыкальная дорожка»
16.55 Х/ф «Фарго»
19.15 Х/ф «Власть страха»
21.50 Х/ф «Холодное поместье у ручья»

14-iyun, Payshanba

12.00, 13.30 «Клип-минутка»
12.20 «Ералаш»
12.40 М/ф «Ди - троянский пёс»
13.50 Х/ф «Бриллиантовая рука»
15.25 М/ф
15.45, 18.10, 20.10 «Музыкальная дорожка»
16.25 Х/ф «Школа рока»
18.50 Х/ф «Точка возгорания»
20.50 Кинохит «Зелёная миля»

15-iyun, Juma

12.00, 14.10 «Клип-минутка»
12.20 «Ералаш»
12.40 М/ф «Том и Джерри»
14.30 Х/ф «Усатый нянь»
15.40 М/ф
16.00, 18.15, 20.25 «Музыкальная дорожка»
16.40 Х/ф «Город счастья штат Техас»
18.55 Х/ф «Прирожденный защищать»
21.05 Большое кино. «Миссия невыполнима»
22.50 «На ночь глядя». Музыкальная программа

16-iyun, Shanba

10.00, 11.45 «Клип-минутка»
10.20 М/ф «Возвращение в Гайю»
12.05 М/ф «Пчёлка Юля и сеньора Жизнь»
13.30 Рейтинговый фильм
15.10 Кинохит «Зелёная миля»
18.15, 20.25, 22.35 «Музыкальная дорожка»
18.55 Х/ф «Чёрная маска»
21.05 Х/ф «Тот самый человек»
23.15 Х/ф «Дом ночных призраков»

20.00 «Тараннум». Дам олиш дастури.
20.45 «Оқшом қўнғироклари».
20.50 «Эълонлар».
21.00 «KINOMANIYA».
21.30 Жаҳон киноси: «Дик ва Жейн».
23.05 – 23.10 «Таскин».

TOSHKENT

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30, 9.45, 11.05, 11.45, 14.10, 16.50, 20.20, 21.35 «Анонс».
8.35 Т/с «Ғвадалупе».
9.15, 11.25, 16.05 «Телекурьер - маркет».
9.35 «Афиша».
9.50, 11.50 «ТВ юрист».
9.55 «Интервью».
10.05 Кино: «Еттинчи жин».
11.10 «Истеъдод».
11.55 «Мусиқа SMS».
12.15 Премьера «Наживка для акулы»
13.25 «Дорихона эшитади»/рус/.
14.15 Кино: «Проклятие золотого цветка».
16.25 «Саргузаштлар ороли».
16.55 «Фаровонлик бекати».
17.15 Кино: «Устаси фаранг».
19.30 «Жозиба».
19.55 CINEMA.UZ.
20.25 «Нима учун?»
21.05 «Туризм ҳақида»/рус/.
21.40 Кино: «Там, где течет река».
23.40– 23.45 «Хайрли тун, шаҳрим».

SPORT

7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида)
9.15 «Непутёвые заметки».
9.35 «Пока все дома».
10.25 «Фазенда».
11.00 «Қувноқ стартлар».
11.40 «Рақибингиз гроссмейстер».
12.00 «Соғлом авлод юлдузлари».
12.45 – 13.35 ПрофРИНГ.

* * *

18.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Нефтчи». Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Версия». Информационно-аналитическая программа.
19.50 «Мусиқий тайм».
20.00 «Спорт уик-энд».
20.35 «Келин-куёв». Шоу даастури.
21.30 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
22.00 Мелодрама «Театр».
23.40 Еврофутбол.
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

РОССИЯ

5.00, 9.00 Новости
5.10 «Виктор Цой. Жизнь как кино»
5.55 Фильм «Дела сердечные»
7.40 «Служу Отчизне!»
8.10 «Умницы и умники»
9.15 «Непутевые заметки» с Дмитрием Крыловым
9.35 «Пока все дома»
10.25 «Фазенда»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 «Призвание». Премия лучшим врачам России
12.55 Комедия «Полицейские и воры»
15.00 Футбол. Чемпионат России. «Москва»-«Спартак». Прямой эфир
17.00 «Времена» с Владимиром Познером
18.05 Комедия «Новичок»
20.00 Воскресное «Время».
20.45 Премьера. «Нокдаун» (2005 год)
23.15 Х/ф «Капитан Хук»
1.35 Детектив «Фатальный выстрел»
3.00 Сериал «Инстинкт убийцы». Заключительная серия

05.00 Х/ф «Золотая баба».
06.30 «Сельский час».
07.00, 10.00, 13.00 «Вести».
07.10, 10.10 «Местное время. Вести - Москва».
07.20 «Диалоги о животных».
07.50 М/ф «Поединок».
08.05 «Аншлаг и Компания».
09.05 «Сам себе режиссер».
10.20 «Городок».
10.50 «Сто к одному».
11.45 «Смехопанорама».
12.15 «Парламентский час».
13.20 «Фитиль №137».
14.10 «Вести. Дежурная часть».
14.40 «Честный детектив».
15.10 Боевик «Мафия бессмертна».
17.10 «Опера. Хроники убойного отдела».
19.00 Вести недели.
20.00 «Специальный корреспондент».
20.25 Х/ф «Иностранцы».
23.00 «Звуковая дорожка».
00.15 Х/ф «Под прикрытием».
02.30 Т/с «Доктор Вегас». (США).
03.10 Канал «Евроньюс».

05.05 Комедия «Четыре свадьбы и одни похороны».
07.00, 09.00, 12.00, 15.00 «Сегодня».
07.15 Лотерея «Русское лото».
07.40 «Дикий мир».
08.05 «Счастливый рейс».
09.20 «Едим дома!»
09.55 «Их нравы».
10.30 «Авиаторы».
11.05 «Top gear».
11.40, 19.20 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю».
12.25 Фестиваль юмора «Москва-Ялта-транзит».
14.25 Д/с «Победившие смерть».
15.25 «Один день. Новая версия».
16.00 «Своя игра».
16.55 Т/с «Кодекс чести 2».
18.00 «Сегодня. Итоговая программа».
18.50 «Чистосердечное признание».
19.55 «Главный герой».
21.00 «Воскресный вечер с В. Соловьевым».
22.05 Х/ф «Рим». (США).
00.15 Х/ф «Супермен». (США).
02.55 «Криминальная Россия».
03.30 Детектив «Маскарад». (США).

06.00 М/с «Ох уж эти детки!»
07.45 Наши песни.
08.05 «Дом 2. Про любовь».
09.00 «Cosmopolitan. Видеоверсия».
10.00 Загадки шоу-бизнеса.
11.00 Т/с «Зачем вы, девочки?»
11.30 Комедия «Полицейская академия 5». (США).
13.20 Комедия «Полицейская академия 6». (США).
15.05 Т/с «Саша+Маша».
17.00 Клуб бывших жен.
18.00 Такси в Питере.
18.30 Т/с «Женская лига».
19.00 «Битва экстрасенсов».
20.00 «Дом 2. Про Любовь».
21.00 «Комеди Клаб».
22.00 «Смех без правил».
23.00 «Секс» с А. Чеховой.
23.30 «Дом 2. После заката».
00.05 Наши песни.
00.20 «Дом 2. Любовь». Как все начиналось.
01.15 Комедия «Птичья клетка». (США).
03.30 Т/с «Замуж за миллионера».

07.00, 08.00 М/ф.
07.30 Жизнь, полная радости.
10.00 Х/ф «Война и мир».
19.00 Киномания.
20.00 Х/ф «Англичанин, который поднялся на холм, но спустился с горы». (США).
22.15 Х/ф «Похитители книг». (Россия).
00.00 Т/с «Сумеречная зона», 17 с.
01.00 Х/ф «Остров». (Корея).
03.00 Х/ф «Не уходи!» (Италия - Испания).
05.30 Т/с «Шпионка 3», 16 с.
06.30 Relaks.

08.00 Музыка.
08.05 Чемпионат анекдотов.
08.55 Тысяча мелочей.
09.25-10.45 М/ф.
11.20 Х/ф «Изо всех сил».
13.25 Т/с «Шпионы и предатели».
14.30 «Я выжил!»
15.25 Х/ф «Шатун».
17.55, 05.40 Смешная реклама.
18.25 «Этот безумный мир».
18.55 Фабрика смеха.
19.55 Территория призраков.
20.55 Невероятная коллекция мистера Рипли.
21.55, 02.55 Самое захватывающее видео.
23.00, 00.00 Т/с «С.S.I. Место преступления Нью-Йорк».
01.00 Шоу рекордов Гиннеса.
02.00 Детектив «Лас-Вегас».
03.40 Ночной клуб.
06.00 «Этот безумный мир».
06.25 Музыка.

07.00 Х/ф «Собор Парижской Богоматери».
08.40 М/ф «На даче».
08.55 М/с «Итси-Битси паучок».
09.20 М/с «Смешарики».
09.30 М/с «Просто Норман».
10.00 Улица Сезам.
10.30 М/с «Секретные материалы псов-шпионов».
11.00 «Самый умный».
13.00 Т/с «Виола Тараканова. В мире преступных страстей 2». Фильм 1. «Урожай ядовитых ягодок», 2 с.
15.00 «Снимите это немедленно».
16.00 Д/с «Мать и дочь».
17.00 Истории в деталях. Спец. выпуск.
17.30 «6 кадров».
18.10 Т/с «Операция «Цвет нации», ч. 1.
22.00 Х/ф «Таинственный лес».
00.00 «Слава Богу, ты пришел!»
01.20 Х/ф «Слезы солнца».
03.25 Х/ф «В сетях паутины».
04.50 Х/ф «Жадность».
06.20 Музыка на СТС.

Айбсиз шахснинг айби

Корхонамизда олдин ишлаган бир ҳамкасбимиз катта миқдордаги мол-мулкни ўзлаштириб, сўнгра қочиб кетган эди. Бизга бу маълум бўлгач, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилдик. Аризамиз қабул қилингач, ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари бошланди. Лекин асосий айбдор шахс қочиб кетганлиги боис тергов вақтинча тўхтатилиб, унга нисбатан қидирув эълон қилинди. Орадан олти йилдан кўпроқ вақт ўтгач, қидирув эълон қилинган одам қайтиб келди ва келтирган моддий зарарни тўлади. Аммо шу вақтда чиққан амнистия актига кўра унга жазо белгиланмади. Энди ана шу амнистия туфайли жазодан озод қилинганлиги туфайли у ўзини мутлоқ айбсиз деб ҳисоблаб юрибди. Шу тўғрими?

Н.ҲАЙИТБОЕВ,
Тошкент вилояти

Жиноят кодексида шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгарликка тортилиши белгиланган. Шу билан бирга айбсизлик презумпцияси деган принцип бор. Бу презумпция ҳақиқатан ҳам шахснинг хатти-ҳаракатига суд томонидан тегишли равишда ҳуқуқий баҳо берилмасдан туриб, яъни суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукмисиз шахсни у ёки бу хатти-ҳаракатни содир этишда айбли деб топиш мумкин эмаслигини назарда тутса-да, лекин муайян қилмишни содир этишда айбланаётган ва тергов ҳаракатлари олиб борилаётган пайтда эълон қилинган амнистия актига кўра, мазкур қилмиши учун белгиланган жазодан озод қилинган тақдирда ҳам бу шахс айбсиз деб топилмайди. Хусусан, тилга олинган шахсга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан 1997 йили ЖКнинг 167-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлигига оид жиноят ишининг қўзғатилганлиги ва бир неча йилдан сўнг қайтиб келиб, жамоага келтирган моддий зарарни ихтиёрий равишда тўлашининг ўзи содир этган қилмишига иқрор бўлганлигини билдиради. Чунки, агар шахс содир этган қилмишига иқрор бўлмаганида келтирилган зарарни тўламаслиги ҳамда қўлланилган амнистия актига нисбатан норозилик билдириб, қўйилаётган айб ва олиб борилган тергов ҳаракатининг устидан судга шикоят қилиши ва иш умумий асосларда (ЖПКнинг 84-моддасида белгиланган тартибда) давом эттирилиши мумкин эди. Шу жиҳатдан қараганда, шахснинг айблилик масаласига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тегишли ҳуқуқий баҳо берилган.

Келишувга кўра...

Кўпинча газетада берилган эълонларда иш берувчи шахсий автомашинаси бўлган фуқароларни ишга таклиф этишини билдиради. Иш берувчи автомашина бензини учун пул ажратиб бериши мумкиндир, лекин автомашинанинг эҳтиёт қисмлари ишдан чиқиши каби масалалар ҳам бор-ку. Бу ҳолат ҳам инобатга олинадими?

О.ҚЎШИМОВ,
Термиз шаҳри

Бу ҳолат амалдаги қонун нормалари билан тартибга солинган. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, агар сиз иш жараёнида иш берувчининг розилиги ва унинг манфаатлари йўлида ўзингизга тегишли бўлган автомашинадан фойдаланадиган бўлсангиз, автомашинанинг амортизацияси ва ундан фойдаланиш жараёнида қилинган харажатлар Меҳнат кодексининг 173-моддаси талаби асосида иш берувчи ҳисобидан тўланиши лозим.

Бундай харажатни тўлаш тартиби ва миқдори жамоа шартномасида, у тузилмаган тақдирда сиз (ходим) билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Имтиёз бекор бўлиши мумкин

Республика Президентининг ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилган Фармонлари асосида ёшларга жуда кўплаб имтиёзлар берилган экан. Бундай имтиёз ҳар бир оилага бериладими? Телевизорда айтганларидан ташқари яна қандай имтиёзлар олиш мумкин?

У.ДЎСТМАТОВ,
Фарғона шаҳри

Мазкур фармон ҳар бир ёш оила тоифасига татбиқ этилса-да, лекин бу оила биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ва ҳар бирлари ўттиз ёшдан ошмаган бўлишлари лозим.

Имтиёз масаласига келадиган бўлсак, бундай оила аъзоларининг даромадларини солиққа тортишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, бундай оилаларнинг қуйидаги даромадлари солиқ солинадиган даромадлари ҳисобига киритилмайди:

— солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг шахсий уй-жой ёки кўп қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси;

— хўжалик субъекти — иш берувчидан уй-жой сотиб олиш учун олинган маблағ.

Лекин сотиб олинган (мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган) кундан бошлаб беш йил ичида ушбу мол-мулк сотилса, юқорида тилга олинган имтиёз бекор бўлиб, уй-жойни сотиш ҳисобига олинган даромад жисмоний шахслар даромадларига солинадиган умумий асосларда солиққа тортилади.

Қишлоқ жойларда камида...

Яқинда ўртоғимнинг ўғлига қиладиган тўйи сабабли спиртли ичимликлар олиш учун бир-икки жойга боришга тўғри келди. Лекин аксига олиб аввал бундай маҳсулот сотадиган дўконлар ёпилиб, кўпларидан рухсатимиз йўқ деган жавобни эшитдик. Айтингчи, бунинг сабаби нимада?

Ш.ЖЎРАЕВ,
Қарши тумани

Республика аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаш, истеъмол бозорига сифатсиз, сертификатланмаган алкоголли маҳсулотлар кириб келиши ва сотилишига йўл қўймаслик мақсадида Республика Президентининг жорий йилнинг 16 март куни «Алкогол маҳсулотлари билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Унга кўра, 2007 йилнинг 1 майидан бошлаб алкоголли маҳсулотлар юридик шахслар томонидан туман(шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан берилган бундай маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномалари асосида, фақат назорат-касса машиналари билан жиҳозланган ихтисослаштирилган дўконлар, алоҳида савдо заллари орқали сотилиши белгиланди.

Бундай фаолиятни йўлга қўймоқчи бўлганлар, қуйидаги талабларни бажариши лозим:

— рухсат гувоҳномасини олиш учун ариза берилган пайтда шаҳарларда — энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 баравари, қишлоқ ҳамда чекка тоғли туманларда энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида шаклланган устав фонди мавжуд бўлиши;

— шаҳарларда — алоҳида кириладиган ва камида 25 квадрат метрли, қишлоқ жойларида камида 15 квадрат метрли савдо зали майдони (фақат алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилишга мўлжалланган), чекка тоғли туманларда — алоҳида савдо секцияси бўлган, алкоголли маҳсулотларни сақлаш ва сотишнинг санитария норма ва қоидаларига (шу жумладан назорат-касса машиналарини қўллаш шартларига, моддий бойликлар тўла даражада сақланиши таъминланишига) мувофиқ бўлган омбор бинолари ва асбоб-ускуналари бўлган ўзининг ижарага олинган турғун савдо шахобчаси мавжудлиги;

— савдо шахобчаси ўқув ва диний муассасалардан камида 500 метр узоқликда жойлашган бўлиши;

— савдо шахобчалари жамоат транспорти тўхташ жойларида, жамоат ва дам олиш жойларида, даволаш-профилактика ва спорт-соғломлаштириш муассасалари ҳудудида, ушбу муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ошхоналарида, шунингдек аэропортлар, темир йўл вокзаллари ва автостанцияларга туташиб кетган жойларда жойлашмаган;

— юридик шахс томонидан алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш учун махсус фойдаланиладиган, ҳимояланган фискал хотирали назорат-касса машинаси мавжуд бўлиши керак.

Агар бундай мақсадда фойдаланиладиган турғун савдо шахобчаси ижарага олинган бўлса, унда бу шахобчанинг ижара шартномасидан ташқари, унинг ижарага олувчига тегишлилигини тасдиқлайдиган ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжатнинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Мазкур қарорда тасдиқланган алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидалари бузилганлиги учун юридик шахсларга алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима солинади ҳамда айбдорлар қонун ҳужжатларида кўрсатилган тегишли жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.

Хизмат уйидан чиқаришга ҳақлими?

1996 йили Тошкент шаҳрига ишга чақиртирилганимда менга хизмат уйи ҳам берилган эди. Лекин бошқа ташкилотга ишга ўтганимдан сўнг бу уйдан чиқиб кетишимни талаб қилишди. Тўрт нафар фарзандим билан кўчиб ўтадиган уйим йўқ. Шунинг учун собиқ иш жойимдагилар мени бу уйдан ҳайдаб чиқаришга ҳақлими?

Э.АБДУВОҲИДОВ,
Тошкент шаҳри

Уй-жой кодексининг 79-моддаси талаби бўйича корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларини узган ходимлар, шунингдек сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаб турган шахслар, ҳарбий хизматчилар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда улар билан бирга яшаётган барча шахслар билан биргаликда бошқа турар жой бермасдан хизмат турар жойидан кўчириладилар.

Агар хизмат турар жойи ижара шартномаси муддати тугагач, ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар шу турар жойни бўшатиб беришдан бош тортсалар, улар бошқа турар жой бермасдан суд тартибида кўчирилади. Фақатгина, хизмат турар жойларидан бошқа турар жой берган ҳолда қуйидагилар кўчириладилар:

— I ва II гуруҳ ногиронлари;

— 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва байналмилалчи жангчилар;

— ҳарбий хизматни ўтаётганида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари;

— ногирон фарзандлари бўлган оилалар;

— тарбиячи — ота-оналар, оилавий болалар уйи тугатилган тақдирда;

— хизмат турар жойи берган ташкилотларда камида ўн йил ишлаган шахслар;

— эгаллаб турган лавозими муносабати билан турар жой берилган бўлиб, лавозимидан бўшаган, лекин турар жойни берган корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларини узмаган шахслар;

— ходимлар сони ёки иш хусусиятининг ўзгариши ёхуд корхона, муассаса, ташкилот тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган шахслар;

— ўзи ишлаган корхона, муассаса, ташкилотдан пенсияга чиққан ходимлар;

— хизмат турар жойи берилган шахс вафот этганда унинг оила аъзолари;

— вояга етмаган фарзандлари билан бирга яшаётган ёлғиз шахслар.

Маҳкумлар меҳнати...

Суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилган шахсларни ишга жалб этишда уларнинг ҳолати, меҳнатлари учун ҳақ тўлаш, соғлиғи масаласи қандай бўлади?

Н.ЗОИРОВ,
Тошкент шаҳри

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни меҳнатга жалб этишда уларнинг жинси, ёши, соғлиғи, меҳнат қобилияти ва ихтисоси инобатга олиниб, қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган иш вақтининг энг кўп нормасига риоя этган ҳолда, одатда, олти кунлик иш ҳафтаси белгиланади.

Олтмиш ёшдан ошган эркаклар, эллик беш ёшдан ошган аёллар, I ва II гуруҳ ногиронлари меҳнатга ўз хоҳишларига кўра жалб этиладилар.

Маҳкума аёллар ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатга ишдан озод қилинадилар.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бажариш тақиқланган ишларда аёл ва вояга етмаган маҳкумлар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Саволларга Юнусобод туман прокурорининг ёрдамчиси Б.САИДОВ жавоб берди

Ҳурматли муштарий! Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Саволларингизни нафақат хат орқали, балки «Huquq» газетасининг «huquq97@mail.ru» электрон почтасига юборишингиз ёки 133-26-62 телефон рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

2006 йил 31 октябр куни унинг жасадини Катта Фарғона каналидан тортиб чиқаришди. Жасад мато ва палосга ўралиб, сим билан боғланган, тош илиб сувга ташланган эди. Қотил шу тариқа жиноят изларини яшириб, жазодан қутилиб қолишга умид боғлаганди.



МОЖАРОНИНГ МУДҲИШ ИНТИҲОСИ

...Ўн ой аввал эса қишлоқда тўй бўлди. Йигирма яшар Зоҳирани Эшдавлат (исмлар ўзгартириб берилмоқда) ёр-ёр билан уйига келин қилиб туширди. Ёшларга бахт-саодат тиланди. Бироқ... Зоҳира туни билан йиғлаб, ёстиғини хўл қилган, Эшдавлатнинг қовоқ-тумшуғи солинган, янганинг боши эгик эди. «Қиз чиқмабди. Иффатини йўқотган экан». Келин бўлиб тушган қизга, унинг ота-онаси, ака-укаларига бундан баттарроқ юзқаролик йўқдай эди. «Кичкина қиз эдим, ўн-ўн бир ёшимда битта катта одам алдаб шунақа қиб қўйган. Агар бировга айтсанг, ўлдириб юбораман деб қўрқитган...» Қуёв ўша аблаҳнинг кимлигини суриштирди.

— Қўрқаман, айтолмайман, айтсам бир нарса қип қўйсангиз...

— Айтмасанг, ана катта кўча...

— Бўпти, кўчимни йиғиштириб кетавераман... Лекин қайнона келинининг сўзларига ишонди. Ўғлига танбеҳ берди.

— Ёш болалигида шунақа бўлган бўлса, унда нима айб? Аччиқ устида беҳудага бадном қилиб, гуноҳга ботмагин, болам. Бирга яшаб турaверчи...

Бироқ Зоҳиранинг ҳозирги ҳолати ҳақидаги гап қишлоққа тарқаб бўлганди. Гўё Эшдавлатга кўчада йиғилган уч-тўртта хотинлар ҳам ғийбат қилишаётгандай, ҳатто ўртоқлари ҳам ортидан мазахлашаётгандай туюларди. Аламини Зоҳирадан олар, уриб ҳақоратларди. «Сени бузиб қўйган ким, айтасан» деб кун бермасди. Охири у айтишга мажбур бўлди. «Матназар ака. Рўпарадаги қўшнимиз...»

Ўн йил аввал, Зоҳира ўн яшарлигида қирқ олти ёшга кирган қўшни уйларининг эшигини тақиллатди. Ёз кунлари, катталар ишда эди.

— Ҳеч ким йўқ уйимизда...

— Шунақами... — Ўтган тунда беҳаё видеода кўрган саҳналари ҳамон кўз ўнгида турган Матназарнинг феъли айниди.

— Опангга зўр қўғирчоқ оберганман. Юр, кўрасанми? Ёқса, сенгаям обераман... — Қизчани алдаб, рўпарадаги ўзининг кимсасиз уйига бошлади... Йиғлаётган қизалоқни бир амаллаб юпатди.

— Ҳеч кимга айтмагин. Айтсанг, мана шу пичоқда сўйиб ташлайман!..

Йиллар ўтиб, унутаёзганида, қайтадан юзага қалқиб чиққан чиркин хотира Зоҳирани адои тамом қилаёзган эди. Устига-устак Эшдавлат қайнота, қайноғаларига ҳамма гапни оқизмай-томизмай етказди.

— Яшамайман, қўйвораман!

Зоҳиранинг акаси, ўттиз ёшга кирган Эминжоннинг қони қайнади. «Ҳароми ифлосни ўлдираман!»

Келаси куни, 2006 йил октябр ойининг охирида хуфтондан сўнг ўртоғи Шарофжонни кўчада тўхтатди.

— Бир иш бор. Тошқўрғонга обориб келгин. Айтган пулингни бераман.

Йўл устида Матназарни кутди. Узоқдан қораси кўринди. Келиб сўрашди.

— Ҳожи ака, Тошқўрғонда ўртоғимнинг тоби қочибди. Нафасиз ўткир, дам солсангиз. Қўли очиқ йигит.

Муллавачча бўлиб олган Матназар йўқ деёлмади. Машинага ўтирди. Эминжон Тошқўрғоннинг марказида Шарофжонга олти минг сўм кира ҳақини берди.

— Буёғи яқин, дала ичидан пиёда ўтамиз.

Кечаси, кимсасиз дала шийпони ёнида у домланинг ёқасидан олди.

— Синглимни нима қилганингни айтасан, ифлос! — дея қулочкашлаб башарасига солди. Мункиб йиқилганида дуч келган жойига аямай тепаверди.

— Бўлди бас, уриб ўлдирмасанг, айтаман.

Эминжон ҳансираб нафас ростлади.

— Шайтон ақлдан оздирган. Кайфлигимда шунақа бўп қолган...

Эминжон уни тағин уриб йиқитди. Томоғини чангаллади. Кўзлари олайиб, нафас ололмай қолгач, чангалини бўшатди. Матназар ўлиб ётарди. Жасадни тутлар орасига, сувсиз ариқ ичига ташлади. Устибошини қоқиб, катта йўлга чиқди. Ҳожининг қўл телефонида ошнасига қўнғироқ қилди. «Тошқўрғон йўлидаман, келиб опкет!» Телефонни зовурга улоқтирди.

Эрталаб маҳаллада дув-дув гап: Матназар уйига келмапти, йўқолиб қопти. Бирга кетганини кўрган бир-икки маҳалладошлари Эминжонни сўроққа тутишди. Матназарнинг қуёви — Сулаймон сўраб келди.

Иккинчи куни ичида сақлолмади. Қўшниси Қурбон ака яна кириб суриштирганда «уриб ўлдириб қўйдим» деди.

Кечаси қўл телефонда чақирган ўртоғи «Жигули»сида уйига ташлаб кетгач, аравачали мотоциклига палос, латталарни жойлаб, Тошқўрғонга жўнади. Ариқ ичида ётган жасадни матога чирмаб боғлади. Мотоциклнинг аравачасига жойлаб, устидан палос ташлади. Тош билан бостириб қўйди. Риштон туманига ҳайдади. Катта Фарғона канали қирғоғида тўхтаб, тош илинган жасадни сувга ташлади. Айбига иқрор бўлган Эминжон Эркинов жасад ташланган жойни кўрсатиб берди...

Суд ҳамқишлоғига ўзича ҳукм чиқариб, қасддан уриб ўлдирган қотилга узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

А.НОРМАТОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиги
И.МИРЗААЛИЕВ,
Фарғона вилоят прокуратураси катта терговчиси

Пора ёки порахўрлик деган тушунчалар қачон пайдо бўлганлиги ҳақида бир нарса дейиш қийин, аммо ана шу иллатнинг жамият тараққиётига салбий таъсири қанчалиги ҳеч кимга сир эмас. Тасаввур қилинг, агар порахўрлик иллати бўлмаганда бугун инсоният цивилизациянинг нечанчи поғонасида бўлар эди? Бемалол айтиш мумкинки, ҳар қандай ижтимоий муаммо, у қандай кўринишда бўлмасин илдизлари коррупция ва порахўрлик жиноятларига бориб тақалаверади. Шу боис ҳам ҳар бир тараққийпарвар жамиятда ҳуқуқ-тартибот органлари жиноятчиликнинг бу кўринишига қарши жиддий кураш олиб боради.

«Қарама-қарши текшириш»

Тошкент Солиқ ва божхона органлари академиясида таҳсил олган, Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси қисқа муддатли текширишлар ўтказиш ва бозорлар фаолиятини назорат қилиш бўлими бош инспектори лавозимида ишлаб келган Султон Деҳқонов ҳам буни яхши тушунгани аниқ. Лекин «давринг келди, сур бегим» қабилида иш тутишни маъқул кўрган С.Деҳқонов вазифасига масъулият деб эмас, даромад манбаи сифатида қарай бошлади. Бош инспектор вазифасига ўтгач, босартусарини билмай қолди. Аммо охирги йиллар ичида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қабул қилинган қонун ҳужжатлари унинг шаштини бироз тушириб қўйди. Биринчидан, мазкур қонун ҳужжатлари тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашиш, ноқонуний текшириш ўтказишга йўл бермайди, қоларверса, бугунги тадбиркорлар ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билади.

Фарғона шаҳрида бир неча йилдан буён фаолият юритиб келаётган «Фар Муштарий Чевар» фирмаси кўпчиликнинг оғзига тушган, даромади ҳам ўзига яраша корхоналардан эди. С.Деҳқонов анчадан буён ушбу фирмани кўз остига олиб юрар, аммо тўғридан-тўғри фирма фаолиятига аралашишга имкон тополмай юрар эди.

У олтиариқлик бир киши ўз уйида ноқонуний равишда спиртли ичимликлар савдоси билан шуғулланиб келаётганини аниқлагач, хурсандчиликдан лаб-лунжини йиғиштиролмай қолди. Сабаби, суриштирув давомида ўша ароқфуруш сотаётган спиртли ичимликлар «Фар Муштарий Чевар» фирмасидан олинганлиги маълум бўлган эди. С.Деҳқонов ўша заҳоти фирма дўконига етиб бориб, корхона иш юритувчисини йўқлади.

Бир қарашда ҳаммаси қонуний кўринади. Аммо солиқ инспекторининг режаси бошқачарок эди.

«Фар Муштарий Чевар» фирмаси иш юритувчиси Э.Аҳмедова ўзини солиқ инспектори сўраттирганини эшитиб, зудлик билан унинг олдига етиб борди.

— Гап бундай, — салмоқлаб гап бошлади С.Деҳқонов, — Тижоратингизга криминал аралашган. Буёғига энди фирмада текшириш бошлашимга тўғри келади.

— Бу нима деганингиз, Султонжон? Ҳужжатларим жойида, агар хато қилган жойимиз бўлса айтинг, тўғрилаб қўямиз, — деди Э.Аҳмедова.

— Олтиариқлик Муталиб деганни танийсизми? Ўшанинг устидан иш очдим. Калаванинг бир учи сизга келиб тақалаяпти. Бугун-эрта текширишни бошлаймиз. Тайёргарлигингизни кўриб қўйинг.

— Қанақа текшириш? «Корсовет»дан рухсатингиз борми? — бўш келмади Э.Аҳмедова.

—Қанақа текшириш бўлади, қарама-қарши текшириш-да! Керак бўлса «корсовет»дан ҳам рухсат оламиз, — деди С.Деҳқонов иддао билан.

— Шу текширувингизни қолдиришнинг иложи йўқми, Султонжон? — деди энди Э.Аҳмедова муроса оҳангида.

— Қолдириш?! Ҳм... Нега иложи йўқакан, албатта бор, — суҳбатдошининг тузоққа илинганини тушунган С.Деҳқонов илжайди. — Атиги уч минг «кўки»дан ташласангиз, ҳаммаси изига тушиб кетади. Яна аввалгидай ишлайверасиз.

— Лекин... — иккиланиб гап бошлади Э.Аҳмедова.

— Лекин-пекини йўқ. Тижоратингиз зўр, тагизда ёғи кетмаган «Ласетти». Уч мингга оғринаяпсизми? Ким билади, текшириш якунлари сизга қанчага тушаркин? — С.Деҳқонов Э.Аҳмедованинг жим қолганини кўриб баттар авжига чиқди, — бизни билмайди деб ўйлайсиз-да, қанақа даромад қилаётганларингни? Шунча вақт қўйиб берганим етар. Биздаям томоқ бор, автомашинаси салонидан махсус кимёвий ишлов берилган 1000 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олинди.

Э.Аҳмедова солиқ инспекторининг «айтган пулимни бермасангиз қарама-қарши текширишга чиқаман» деган даг-дағасини яқинлари билан обдон муҳокама қилиб кўрган ва таъмагир солиқчи устидан тегишли идорага ариза билан мурожаат қилишга қарор қилган эди. Унинг аризасига асосан ўтказилган тезкор тадбир натижасидан эса сизни хабардор қилдик.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг ҳукми билан порахўр солиқчи етти йилга озодликдан маҳрум этилди. Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарорига асосан белгиланган жазо учдан бир қисмига қисқартирилди.

Баҳодир АБДУКАРИМОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори

2007 йил 14-18 май кунлари Италиянинг Сиракуза шаҳрида Терроризмни молиялаштириш ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи (ЕОГ), БМТнинг наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси(НЖБ), Криминалистика халқаро олий мактаби(КХОМ) ва Халқаро валюта фонди ёрдамида жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш типологиялари бўйича халқаро семинар ўтказилди.

ҲАМЖИҲАТЛИК ЗАРУРАТИ

Ушбу семинар прокуратура органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва молиявий разведка органларининг терроризмни молиялаштириш ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш масалалари билан шуғулланадиган мутахассислари учун мўлжалланган эди.

Ушбу тадбирда Украина, Сербия, Руминия, Черногория, Молдова, Македония, Косова, Қирғизистон, Қозоғистон, Грузия, Болгария, Беларусь, Озарбайжон, Арманистон ва Ўзбекистон сингари давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва молиявий разведка идоралари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон номидан Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти бошлиғининг ўринбосари Б.Зиляев ҳамда бошқа ходимлар қатнашдилар.

Халқаро валюта фонди Департаменти, БМТнинг наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, шунингдек, Италия, Белгия ва Швейцариянинг молиявий разведка бўлинмалари ва прокуратура органлари вакилларининг семинарни ташкил этувчилари ва маслаҳатчилари сифатида фаолият кўрсатганликлари жаҳон ҳамжамияти мамлакатларининг терроризмни молиялаштириш ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашдан манфаатдор эканликларидан далолат беради.

Семинар иштирокчилари Италия ва Швейцария сингари давлатларнинг терроризмни молиялаштириш ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш тизимлари билан, шунингдек, терроризмни молиялаштириш ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳасидаги халқаро андозалар билан батафсил танишиб чиқдилар.

Бундан ташқари, семинарда барча қатнашганлар ўз молиявий разведка идоралари ва миллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда семинар иштирокчиларини терроризмни молиялаштириш ва жиноий даромадларни легаллаштиришнинг турли усуллари ва схемалари билан таништирдилар.

Ўзбекистон вакиллари ҳам ўз навбатида иштирокчиларни терроризмни молиялаштириш ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг Ўзбекистон Республикаси миллий тизими билан таништирдилар. Улар Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган молиявий разведка органи ҳамда унинг идоравий тегишлилиги, давлат структурасидаги ўрни ва мақоми хусусида сўзлаб бердилар.

Семинар ва унинг натижалари бўйича ўтказилган мунозараларда терроризмни молиялаштириш ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашда кучларни бирлаштириш, халқаро ва миллий миқёсларда андозаларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда ушбу фаолият доирасида жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари тегишли органларининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш зарурияти айланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Учрашувлар давомида билдирилган фикр ва тажриба алмашувлар ҳамда амалий мулоқотлар халқаро ҳуқуқий ҳамкорликни тараққий эттиришга, жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари кучларини бирлаштиришга имкон яратади.

Саидаброр ГУЛЯМОВ,
Департаментнинг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи

Маслаҳатчи киритилмади

Украина президентининг маслаҳатчиси Николай Жулинскийга Россия давлати ҳудудига кириш маън этилди. «Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, Украина президенти ҳузуридаги маданият ва маънавият масалалари бўйича Миллий кенгаш раҳбари ҳамда Украина миллий фанлар академиясининг аъзоси бўлмиш Жулинский Санкт-Петербургнинг «Пулково» аэропортига оиласи билан учиб келган. Жулинский Санкт Петербургга Пушкинода қалок бўлган акасининг қабрини зиёрат қилиш мақсадида ташриф буюрганди. Академикнинг сўзига қараганда, чегарачилар унинг турмуш ўртоғи ҳамда қизини ўтказиб юборганлар, лекин унга навбат келганида кутиб туришни илтимос қилишган. Бир соат давомида Жулинский чегарачини кутиб турган, шундан сўнг уни автобусда «Пулково-2» аэропортига олиб боришган. У ерда Жулинскийга паспортини қайтариб беришиб, икки кундан сўнг россия авиалиниялари томонидан Украинага депортация қилинишини маълум қилишган.

Президент маслаҳатчисининг олдига тез орада Украинанинг Санкт-Петербургдаги консули Николай Рудько етиб келган. Ҳозирда Украина Ташқи ишлар вазирлиги Россия томонига мурожаат қилиб, академикка Россия ҳудудига киришга рухсат беришни сўради. Шунингдек, Украина тарафи Жулинскийга нисбатан қандай сабабларга кўра бу турдаги чора қўлланилганини изоҳлаб беришни талаб қилаяпти.

Таъкидлаш керакки, сешанба куни Украина чегарачилари таниқли рус сиёсатшуноси, Халқаро Евросиё ҳаракати етакчиси Александр Дугинни Украина ҳудудига қўймаган эдилар. Дугин персона нон-грата деб эълон қилиниб, Симферополь аэропортидан Москвага учаётган биринчи рейс билан депортация қилинганди. Сиёсатшунос Қримдаги руслар жамияти томонидан ташкил этилган «Буюк Рус сўзи» фестивалида қатнашиш учун бу ерга учиб келганди. Дунгинни Украинага киритмаслик қарори мамлакат кавфсизлик хизмати томонидан қабул қилинган. Дунгин ҳамда яна бир нечта Россия фуқаросининг Украина ҳудудига киритилишини маън этишга доир қарор 2006 йилнинг июн ойидан бери кучда, сабаби уларнинг Қримда Украина ва АҚШ ҳарбийларининг «Sea Breeze» номини олган ҳарбий машғулотини ўтказишга қарши норозилик намойишлардаги ҳаракати мамлакат қонунчилигига зид деб топилган.

Хаммаберг маърузаси

Европа кенгашининг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссари Томас Хаммаберг Латвиядаги вазиятга доир маърузасида мамлакатдаги камчиликни ташкил этувчи миллатлар аҳволини яхшилашга чақирди. «NovoNews» интернет нашрида хабар берилишича, 20 варақли маърузада Латвияда камчиликни ташкил этувчи миллатлар ҳуқуқлари ҳамда натурализация жараёни тўлиқ изоҳлаб берилган. Шунингдек, Хаммабергни Республикада фуқаролиги бўлмаганлиги хусусидаги мақом сақланиб қолганлиги тааччубга солди. Маърузачининг фикрича, бунинг сақланиб қолиши жамият аъзоларининг бирдамлик ва тенгҳуқуқлигини таъминлай бера олмайди. Хаммаберг томонидан келтирилган далилларга кўра, ҳозирги кунда Латвияда 13 минг нафар ёш болаларга фуқаролиги бўлмаганлиги хусусида мақом берилган. Шу боис Европа кенгаши Латвия ҳукуматига туғилган фарзандининг фуқаролик мақомини танлаш ҳуқуқини унинг ота-онасига беришни таклиф қилди. Айни маъруза инсон ҳуқуқлари бўйича комиссарнинг Латвияга қилган хизмат сафари чоғида тўпланган материалларга асосан тайёрланган. Латвияга ташрифи чоғида Томас Хаммаберг ҳукумат ҳамда нодавлат ташкилотлар вакиллари билан учрашган. Республика раҳбарияти ҳужжатдаги айрим бандларга нисбатан ўз эътирозини ҳам тайёрлаб қўйди. Маълумки, Латвияда ҳозирда фуқаролиги бўлмаган 400 мингта яқин шахс истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти рус миллатига мансуб кишилардир.

Демократия сари

«Nation» нашрининг ёзишича, Таиландда 2006 йилнинг сентябрида амалга киритилган, мамлакатдаги сиёсий партияларнинг фаолиятини таъқиқловчи қонун жорий йилнинг 5 июн куни бекор қилинди. Эндиликда, сиёсий партиялар 2007 йил декабр ойида ўтказилиши мўлжалланган президентлик сайловлари арафасида ўз фаолиятларини янада жонлантириш имкониятига эга бўлдилар. Янги сиёсий партияларни тузишни таъқиқловчи қонунни бекор қилиш борасида эса ҳали муҳокамалар ўтказилмаган.

Эслатиб ўтамиз, 2006 йилнинг сентябрида Таиландда ҳарбий тўнтариш амалга оширилиб, Таксин Чинават томонидан бошқариб келинаётган ҳукумат тарқатилиб юборилганди. Шундан сўнг, ҳарбийлар оммавий йиғилишларни бекор қилиш, цензурани киритиш, янги сиёсий партияларни ташкил этиш ва сиёсий партиялар фаолият олиб боришини таъқиқловчи қонунларни жорий этишганди.

Тезкор йиғилишда

Россия Федерацияси Ички ишлар вазири Рашид Нургалиев Доғистон Республикаси ИИВнинг марказий маҳкамаси ходимлари билан ўтказилган тезкор йиғилиш вақтида Республикада молиявий жиноятлар билан шуғулланиб келган йирик уюшган жиноий гуруҳ фош этилганини маълум қилди, деб хабар қилади «Риа Новости» ахборот агентлиги.

Вазирнинг сўзига қараганда, жиноий гуруҳ аъзолари ноқонуний молиявий операцияларни амалга ошириб келишган. Хусусан улар 150 млн. рублни ноқонуний нақдлаштириб, қонунга хилоф тарзда жисмоний шахсларга 670 млн. доллар ҳамда 130 млн. евро миқдоридаги чет эл валютасини сотиб юборишган. Нургалиевнинг айтишича, жиноий гуруҳ фаолиятига жорий йилнинг апрел ойида чек қўйилган. Бироқ, вазир ушбу иш хусусида бошқа аниқ маълумотлар билан ўртоқлашмади.

Эслатиб ўтиш жоизки, март ойи охирида Доғистондаги «Хасавюртовски» банкидан банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия чақириб олинган эди. Лицензияни чақириб олинишига, банк томонидан «Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш ҳамда терроризмни молиялаштириш тўғрисида»ги қонун ва бошқа талаблар қўпол равишда бузилганлиги сабаб қилиб кўрсатилганди. Ушбу ҳолат ҳамда Нургалиевнинг маълумотлари ўртасида боғлиқлик борми-йўқми, ноаниқ.

ТРАНСПОРТ ҲАЛОКАТИ

Австралиянинг Виктория штатидаги Керанг шаҳрияқинида йирик транспорт ҳалокати рўй берди. Шаҳардан ўн километр узоқлиқдаги темир йўл ўтиш жойида Мельбурнга йўл олган поезд билан юк ташувчи автомашина тўқнашиб кетган. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, ҳалокат натижасида олти киши ҳалок бўлган, жароҳатланганлар сони 40 дан ошган. Воқеа жойига етиб келган тез ёрдам ва қутқарувчилар гуруҳлари бир неча соат давомида одамларни яқин орадаги шифохоналарга ётқизишган. Айни дамда ҳалокат сабабларини аниқлаш борасида тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Балиқ овига чиқиб...

«Reuters» ахборот агентлигининг хабар беришича, Финляндиянинг уч нафар фуқароси Эрон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан ҳибсга олинган.

Маълум бўлишича, Дубайга келган финлар балиқ овини тусаб қолишади. Лекин, ов вақтида улар Эроннинг Форс кўрфазидаги Абу Муса ороли яқинида адашиб қолишади. Фин дипломатининг айтишича, ҳозирда Эрон қамоқхонасида сақланаётган «овчи»ларни озод этиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Эрон ҳукумати ўз чегараларини жуда қаттиқ кўриқлайди ва ноқонуний равишда ҳудудий сувларига кириб қолган барча сув транспорт воситаларини ушлаб қолади. Жумладан, Абу Мусо ороли яқинида ҳибсга олинган немис ва французлар ҳам 2007 йилнинг бошида озод қилинганлар. Улар Эрон қамоқхоналарида бир йил давомида ушлаб турилган. Шунингдек, 2007 йилнинг март ойида ҳибсга олинган 15 нафар Буюкбритания денгизчилари ҳам 13 кунлик музокаралардан сўнг ўз ватанларига қайтариб юборилган.

ДАЪВО КИРИТИЛДИ

Нигерия ҳукумати «Pfizer» йирик фармацевтик компаниясини судга берди. Нигерия вакилларининг айтишича, компания томонидан янги препаратнинг синовдан ўтказилиши натижасида нигериялик ёш болалар қурбон бўлган. «BBC News» ахборот агентлигининг хабар беришича, судга киритилган даъво миқдори 7 млрд. долларни ташкил этади.

Ҳукуматнинг таъкидлашича, болаларга давлат органлари томонидан маъқулланмаган, лицензиядан ўтказилмаган дори препаратини беришган. «Pfizer» компанияси мутасаддиларининг айтишича, Нигерияда ўтказилган синовлар халқаро ҳамда маҳаллий қонунчиликка мувофиқ амалга оширилган. Компаниянинг Нью-Йоркдаги вакили гапига кўра, Нигерия ҳукумати томонидан келтирилган важлар янгилик эмас ва аниқ далилларга асосланмаган. «Pfizer» компанияси 1996 йилда Нигериянинг Кано шаҳрида тарқалган менингит касаллиги эпидемияси вақтида янги Trovan экспериментал дори препаратини синовдан ўтказган эди. Тажриба-синовлар натижасида 200 га яқин болалар қурбон бўлган, аксарият болаларда жисмоний ва ақлий заифлик вужудга келган. Нигерия ҳукумати «Pfizer» компаниясига қарши айбловлар билан илк бор 2006 йилнинг май ойида чиққанди.

«Internet» хабарлари асосида Д.ЭШМУРОДОВ тайёрлади

ИЧКИЛИКБОЗЛИК — ЁМОН ОДАТ

Ичкиликбозлик азал-азалдан ёмон иллатлардан бири саналади. Жуда қадим замонлардаёқ шаробхўрликка қарши кураш соғлом фикрли кишиларнинг бурчи ҳисобланган. Бироқ, милодий VII асрга қадар на диний, на дунёвий қонунлар маст қилувчи ичимликларни истеъмол қилишни қатъий равишда тақиқлашга журъат қилолмаганлар. Фақат бундан 1428 йил муқаддам Ислом динида маст қилувчи барча маҳсулотлар: ароқ, вино, пиво, наша, тарёк ва шу каби гиёҳванд моддаларнинг ҳаммаси ҳаром деб эълон қилинган. Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларда маст қилувчи маҳсулотларга таянадиган халифа сифатида қайд этилади. Ул зотнинг адолатпешалиги шу даражада эдики, кунлардан бир куни Миср фатҳига бориб, ўша ерда мунтазам қўшинлар таркибида қолган ўз ўғлининг маст қилувчи ичимликлар ичаётганини эшитиб қоладилар. Ўғлини дарҳол Мадинага чақириб, жазо тариқасида юз дарра уришга буюрадилар.

Жазоловчи ҳодим етмиш дарра ургач, халифанинг ўғли жон таслим қилади. Қиёматнинг жазоси бу дунё жазосидан ёмон эканини тушунтираркан, халифа жон таслим қилган ўғлининг жасадига қолган ўттиз дарранни уришни буюрадилар. Зероки, бу фоний дунёда жазони тўлиқ олса, қиёмат сўроғи осон бўлишини таъкидлайдилар.

Бу тарихий воқеалар дастлабки ислом давлати ривожланиш даврида ароқхўрликка қарши кураш давлат сиёсат даражасида турганини кўрсатади. Орадан кўп йиллар ўтмасданоқ, шариат баъзи табақадагилар учун дахлсизга ўхшаб қолгани сир эмас. Халифа Муовия ибн Суфён ва унинг арзанда ўғли Язид ибн Муовия даврида айш-ишрат, дабдабабозликка берилиш анча авж ола бошлади. Шариат тақиқлаган ичимликларни ичиш сарой акобирларининг севимли машғулотига айланди.

Буюк жаҳонгир бобомиз Амир Темур ҳам ўз салтанатида шаробхўрликка қарши кескин кураш олиб борган зот ҳисобланади. Соҳибқирон ўз фарзандлари камолга етганида ҳузурига чорлаб, маст қилувчи ичимликларнинг соғлом наслга салбий таъсири тўғрисида панд-насиҳатлар қилгани ҳақида талайгина ривоятлар мавжуд. Агарда бирорта фарзанди ёки набираси шаробхўрликка берилганлигидир. Абулғозий Баҳодурхон, Шерғозихон, Элтузархон, Муҳаммад Раҳимхон I, Оллақулихонлардан сўнг ички ва ташқи сиёсат билан шуғулланишда тажрибасизлик кўзга ташланади. Америкалик журналист Мак Га Хан Чор Россияси армияси таркибида Хива юришларида бевосита иштирок этиб, кўрган-кечирганларини алоҳида асар шаклида чоп қилдиради. Унинг «Хива юришлари» асарида ёзишича, Ҳазораспдан то Ғазовот навоҳисигача бўлган масофада босқинчиларга қарши қурол кўтариб чиққан маҳаллий аҳоли кўзга ташланмаган. Фақат Қўшқўпир ҳудудида саноқлигина туркман аёллари ва эркаклари пилта милтиқлар кўтариб қарши ҳужумга ўтишгани баён қилинади. Бундан кўринадики, авж олган маишатпарастлик баъзи ҳолларда сиёсий тушкунликка олиб келади.

Чор Россияси Туркистонни босиб олар экан, маҳаллий халқни ўзлигидан мосуво қилишнинг иккита йўли борлигини таъкидлашган. «Аввало, — дея таъкидлаган эди генерал Скобелев «Туркестанские ведомости» газетаси муҳаррири Остроумов билан қилган суҳбатида, — бу ернинг эркакларини чекиш ва ичишга ўргатиш зарур. Қолаверса, мусулмонлар яшайдиган марказларга Оврупо фоҳишаларини олиб келиш керак...».

Шундан кўриниб турибдики, ичкиликбозлик миллатни ўзлигидан айришда душман тактикасини амалга оширувчи куч деб ҳам эътироф этилган экан.

ХХ аср ўрталарига келиб, спиртли ичимликлар ичиш миллатдошларимиз учун анъана тусига айланди. Тўй-байрамлар ароқ, виносиз ўтмайдиган бўлди. Меъёрдан ортиқ ичиш оқибатида ҳар хил жамоат тартибини бузиш, ториш-жанжал, ҳатто ўғрилик ва қотилликлар амалга оширилди. Ароқ-вино ишлаб чиқариш авж олгани сари унинг салбий иллатлари борасида ахборот воситаларида бонг уришга шунчалик катта эътибор қаратилди. Собиқ Совет даврида «Ҳушёрхона»лар фаол ишлаб туриши билан бу иллат камайгани йўқ.

Кейинги йилларда тўй-маросимларни ортиқча исрофгарчиликсиз, дабдабабозликка берилмасдан ўтказишга катта аҳамият берилаяпти. Маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги тўй ўтказиш комиссиялари таклиф-истаклари билан айрим тўйлар спиртли ичимликларсиз ўтказиляпти. Бу айни муддао.

Ичкиликбозлик, гиёҳванд моддалар истеъмол қилишнинг салбий оқибати биринчи навбатда наслда кўзга ташланади. Ёш келин-куёвлар маст-аластлигида вужудга келган чақалоқлар майиб-мажруҳ, ақлан заиф туғилиши кузатиляпти. Қолаверса, ичкиликка ружу қўйган ёки гиёҳвандга айланган одам умри соғлом инсонникига нисбатан қисқа ва мазмунсиз кечади. Соғ-саломат, гўзал фикр-туйғулар, орзу-мақсадлар оғушида узоқ умр кечирганга не етсин.

Эрпўлат БАХТ,
журналист

Экология ва биз

ТОЗАЛИК ОБОДЛИК БЕЛГИСИДИР

Ҳаётда тозалик, поклик каби тушунчалар мавжуд. Турмушимизда тозаликка интилмаган ёки покликни ҳуш кўрмайдиган инсонни топиш қийин бўлса керак. Уст-боши тоза, ён-атрофи ва уйини саранжом тутувчи кишиларни кўрганингда кувонасан киши. Аксинча, агар қаршингиздан уст-боши бир ҳол, бадбўй одамни учратсангиз қандай ҳолатга тушишингиз аниқ. Агар кўчалардаги аҳволга эътибор қаратсак-чи?

Пойтахтимизнинг айрим гавжум жойларида бironта ахлат қутисини (урналарни) тополмайсиз. Шу боисми турли чиқиндиларнинг оёғингиз остида ўралашганига кўзингиз тушади. Айнан шу етишмовчилик сабабли кўплаб кишиларнинг турли ширинлик ёки музқаймоқ қоғозларини, ичимлик идишларини дуч келган жойга ташлаб кетаётганига гувоҳ бўламиз. Эътибор берсак, баъзида ўзимиз ҳам шундай қиламиз.

Ҳаво, сув ва атроф-муҳит тозалигидаги уйғунлик билан инсон саломатлиги тўкис бўлади. Масалан, шаҳримиз ҳудудидан оқиб ўтувчи Кичкирик, Салор ва бошқа каналларда турли чиқиндиларнинг сузиб ёки тўпланиб ётганини кўриб юрагингиз увишиб кетади. Кўпчилик хорижнинг, баъзи бир катта шаҳарларнинг тозалигини мақтаб қолишади. Аммо жиддий олиб кўрсак, она Ватанимизнинг ҳар бир гўшаси ҳавас қилса арзигудек, шаҳарларимиз ҳам хориждагилардан гўзалроқдир. Гўзалликни сақлаш ва асрашнинг муҳим шартларидан бири ҳам тозалик ҳисобланади. Атрофимиздаги воқеа ҳодисаларни кузатиб, бир қанча саволлар хаёлдан ўтади. Нега ахлат қутилари бўлса ҳам чиқиндиларни ахлат қутиларга эмас ён-атрофга ташлаб кетишга одатланганмиз? Бу ҳолатни кўрган хорижлик меҳмонлар маданиятимиз савиясига баҳо бериши мумкинлигини ҳеч ўйлаб кўрганмизми?

Мамлакатимизда умумхалқ ҳашарлари уюштирилиши, экология кунлари белгиланиши ҳар биримизда тозаликка бўлган меҳр ва масъулият ҳиссини оширади. Катта авлоднинг қилган ишлари келажак авлод учун ўрнак бўлади. Барча урф-одатлар авлоддан авлодга, ўтмишдан келажакка ўтгани каби тозаликка аҳамият бериш ҳам авлоддан авлодга ўтиб келади. Масалан, келинларнинг саҳар туриб, кўча ва ҳовлиларни супириши ёки ҳар бир оилада фарзандларнинг саранжом-саришталикка ўргатилиши миллий урф-одатларимизнинг тозаликка бўлган муҳим эътибори белгисидир. Беназир бу урф-одатда озодалик маданияти акс этади.

Ер юзидаги турли халқ ва миллатларнинг урф-одати, анъанаси ва тили турлича, лекин тозаликка ва саришталикка бўлган муносабати мушаракдир. Зеро, атроф-муҳит тозалиги инсон саломатлигининг кафолатидир.

Жамият равнақи ва юртимизнинг истиқболи учун олиб борилаётган ислоҳотлар ва турли ободончилик ишлари биз инсонлар, қолаверса шу халқ учунлигини дилдан ҳис қилайлик. Тошкентга икки ёки уч йил илгари келган меҳмонлар бугун шаҳримизнинг кўркига кўрк қўшилганига гувоҳ бўлмоқда. Ҳар бир шаҳарнинг кўрки ва файзи тозалик, саранжом ва саришталик билан ҳам гўзалдир.

Илмий жиҳатдан экология масаласи ўз долзарблигини йўқотмаганидек, дин томонидан поклик ва тозалик хусусида махсус уқтирилади. Аввало, ҳар бир инсон виждонан тозаликка бўлган масъулиятни ҳис қилмоғи керак. Шундай экан, бу борада биз катталар болаларимизга ўрнак бўлсак ортимиз янада гўзал ва обод бўлишига шубҳа йўқ.

Данғасалик ва лоқайдликни четга суриб, эътибор ва масъулиятни ҳис қилган ҳолда барчангизни тозалик учун курашга чорлаймиз!

Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq» мухбири

Китобингизни ўқидим

Жиноят ҳуқуқидан муҳим дарслик

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёни амалга оширилаётган пайтда, ўқув муассасалари фаолиятини давр талаби даражасида ташкил этиш, дарсликлар, ўқув қўлланмалари тайёрлаш ҳозирги даврнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тошкент Давлат юридик институти «Жиноят ҳуқуқи ва криминология» кафедрасининг доценти М.Усмоналиев томонидан ёзилиб, 2005 йил нашрдан чиқарилган «Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм)» бўйича дарсликни айнан шундай қўлланма деса бўлади. Чунки у ўтган вақт мобайнида синовдан муваффақиятли ўтди ва давр талабига жавоб бера оладиган дарслик эканлиги исботланди.

Дарслик 7 бўлим, 20 боб ва 102 параграфни ўз ичига олган. Биринчи бўлимда жиноятга оид ҳуқуқнинг умумий қоидалари, иккинчи бўлимда жиноий жавобгарлик асослари, учинчи бўлимда қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар, тўртинчи бўлимда жазо ва уни тайинлаш, бешинчи бўлимда жавобгарлик ва жазодан озод қилиш, олтинчи бўлимда вояга етмаганлар жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари, еттинчи бўлимда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари баён этилган.

Унда Жиноят кодексига 2005 йил 1 сентябригача киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ҳисобга олинган. Ҳар бир мавзунинг мазмуни етарли даражада асослантирилган ҳолда очиб берилиб, суд амалиётидан кўплаб мисоллар келтирилган.

Мазкур дарсликнинг умумий қисми бўйича чиқарилган бошқа дарсликлардан афзаллиги унинг аннотацияси ва мундарижасининг ўзбек, инглиз ва рус тилларида берилганлиги ҳамда ҳар бир бобнинг охирида ушбу боб юзасидан машқ саволларининг ва айнан шу бобнинг ўзига тегишли бўлган адабиётларнинг берилганлиги билан ҳам ифодаланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, дарсликдан нафақат талабалар, балки аспирантлар, шу соҳада дарс берадиган ўқитувчилар, амалиёт ходимлари ҳам самарали фойдаланишлари мумкин.

Баҳром АҲРАРОВ,
ТДЮИ «Жиноят ҳуқуқи ва криминология» кафедрасининг мудири

Huquq
yuridik gazeta
Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi
Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV
Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)
Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 133-64-85, 133-10-53.
Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.
Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231
Buyurtma Г — 555. 19 313 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G.HOJIBOYEVA
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA
Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 21.00 1 345678